Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 31 июль, чоршанба • № 60 (10.835) • Эркин нархда сотилади

Факт ва шарҳ

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА ДАДИЛ КИРИБ БОРАЯПТИ

Ўзбек дипломатиясининг дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан қалин муносабатлар ўрнатиш борасида эришаётган ютуқлари чет эл оммавий ахборот воситаларининг ҳам эътиборини жалб этмоқда.

Яқинда Туркиянинг «ЭКА» — Иқтисодий хабарлар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Америка Қўшма Штатларига сафари тўғрисида «ЭКА Интернешнл» журналининг махсус сонини инглиз тилида чоп этди.



Журнал саҳифаларидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг шу йил баҳор ва ёз ойларида Кавказорти мамлакатлари, Руминия ва Францияга, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга сафарлари тўғрисидаги мақолалар ва рангли фотосуратлар жой олган.

Бундан ташқари, бобокалонимиз Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида нишонланиши тарихий аҳамиятга молик воқеа, деб баҳоланади.

«Турклар ва ўзбеклар қон-қардошдирлар» мақоласида Туркия Президенти С. Демирэлнинг Ўзбекистонга сафари чоғида икки мамлакат ўртасида абадий дўстлик тўғрисида имзоланган шартнома ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилажаги қайд этилади.

Бир сўз билан айтганда, журнал дунё ҳамжамиятига ўзини танитаётган ва унинг тузилмаларига дадил кириб бораётган Ўзбекистонга, унинг ташқи сиёсатига юқори баҳо беради, ўз ўқувчиларини республика ҳукуматининг бу борадаги фаолияти билан атрофлича таништиради.

Агентлик нашри Муҳаррам Ўзгувен афандимиз ўз кириш сўзида туркий дунёнинг гўзал ва ўзига хос мамлакатларидан бири бўлмиш Ўзбекистон кейинги ойларда дипломатия соҳасида икки муҳим ғалабани қўлга киритганини таъкидлайди. Булар — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига сафари ва Президент Билл Клинтон билан учрашуви ҳамда Италиянинг Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимдир. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг АҚШга сафари ниҳоятда самарали бўлгани ҳамда Америка маъмурияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани алоҳида қайд этилади.

Анвар ҚЎЗИЕВ.
(Халқ сўзи, 1996 йил 27 июль).

ҒАЛЛА БАЙРАМИ

Қуйичирчиқ туманида ваъдасига вафодор ғаллакорларнинг ўзига хос байрами бўлиб ўтди

ҒАЛЛАКОРЛИК пахта, сабзавот ва соҳибкорлик сингари деҳқонларимиз эгаллаган яна бир шарафли касб бўлиб қолди. Улар 26 июнь куни давлат омборларига 214 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, буюртмани муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Бу муваффақиятда бошқа туманлар қатори ҳалол меҳнат қилиб, хирмон-хирмон буғдой уйган Қуйичирчиқ ғаллакорларининг ҳам муносиб улушлари бўлди. Улар 26 минг 850 тонна ёки режадан 1850 тонна ошириб, дон топшириб, ғалаба маррасига 19 кун деганда етиб келдилар.

Ўз қадрдон далаларида мўл-кўл ҳосил етиштиришга эришган бободеҳқон ором нималигини билмай, хормай-толмай меҳнат қилган 19 кун ва тун... Салкам уч ҳафта давомида далаларда 50 та комбайн ва турнақатор автомашиналар садоси тинмади. Мана, шу ҳалол меҳнатнинг илк самараси — туман хўжаликлари хирмон юзини кўрган ва давлат омборига етказиб берилган ғалланинг салмоғи жиҳатидан вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

Ўтган жума оқшомида туманнинг барча ғаллакорлари бир неча соатга ишни тўхтатишларига тўғри келди. Туман ҳокимлиги уларни наинки Қуйичирчиқ ҳудудида, балки, бутун Тошкент вилоятида илк марта нишонланаётган ғалла байрамига таклиф қилди. Ҳокимлик тўй-тантаналар учун ажойиб ўрин — деҳқон меҳнатини ўз номида акс эттирган «Олтин бошоқ» ҳиссадорлик жамиятининг янгигина иш бошлаган дон қабул қилиш марказини танлади.

... Кеч соат 17, Карнай ва сурнай садолари Беруний номли жамоа хўжалиги қишлоқларида байрам тантаналари бошланганлигидан дарак берди. Кенг очилган дарвозалардан ясан-тусан қилиб, эркагу аёллар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб кела бошладилар. Ҳокимлик вакиллари хўжаликларнинг раҳбарлари, бош ҳосилотлар, муҳандислар, комбайнчи ва автомашиналарнинг ҳайдовчиларини мамнунлик билан қарши олиб, дастлаб тоғ-тоғ уюлган олтин буғдой хирмонлари ёнида эсдалик учун суратга тушишни таклиф қилди. Сўнг катта саҳнда турли хил ноз-неъматлар билан ясатилган дастурхонларнинг қатлари очилди. Туман ҳокими Қамбарали Омонов тўпланганларни эришилган катта ғалаба билан табриклар экан, туман тарихида илк марта нишонланаётган ғалла байрами билан муборакбод этди. Сўнгра энг кўп ҳосил етиштирган ва давлатга сотган «Гулистон», «Тошшовул», «Ўжакент» жамоа хўжаликлари, «Ўзбекистон» тажриба-фермерлар уюшмаси ва бошқа илғор хўжаликлар ғаллакорларининг вакилларини ўртага чорлаб, ҳокимлик номидан тўн кийдириб, қийиқча боғлади. Бирорта комбайнчи ва ҳайдовчи эътибордан четда қолмади. Туманнинг тоғмисол олтин хирмонларига кимки ўз улушини қўшган бўлса, байрам иштирокчиларининг олқишлари остида уларга ҳокимлик номидан қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди.

Куйга куй, қўшиқларга қўшиқлар уланиб кетди. Туман ва хўжаликларнинг халқ дасталари, пойтахтдан чорланган номдор хонанда ва ҳофизлар ўз қўшиқлари билан ғаллакорларни хушнуд этдилар.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Мирёқубов байрам тантаналарида қатнашиб, иштирокчиларни муборакбод этди.

... Эртаси куни тонгдан далаларда яна комбайнлар гуриллаб ишлай бошлади. Негаки, ғаллазорларда ҳали ўриб-йиғиб олинмаган ҳосил бор эди. Ваъдага вафо қилган ғаллакорлар ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.



СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.





ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

СУВ САРФИ КАМАЙДИ

ЧИРЧИҚДАГИ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилаётган сув ҳажмини камайтиришга эришилмоқда.

Корхона мутахассислари экологлар билан ҳамкорликда унинг янги-янги имкониятларини ишга солмоқдалар. Шундай йўл билан айрим технологик жараёнларда сувдан қайта фойдаланиш жорий қилинаяпти.

Шу йилнинг кейинги ойларида амалга оширилган тадбирлар туфайли тоза сув ишлатишни йигирма беш минг куб метргача камайтириш имкони туғилди. Бунинг натижасида оқава сувлар ҳам қисқарди ва ниҳоят ифлосланган оби-ҳаётни Чирчиқ дарёсига оқизиш умуман барҳам топди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲУР ДИЁРНИНГ ҲУР ФАРЗАНДЛАРИ

ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармаси ва илмий-услубиёт маркази Ўзбекистон телевидениеси билан ҳамкорликда истеъдодли ижодкор ёшларни аниқлаш, уларга эътиборни кучайтириш ҳамда тўғри ижодий йўналиш бериш мақсадида «Ҳур диёрнинг ҳур фарзандлари» номли кўрик-танлов ўтказмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу кўрик-танловнинг туман ва шаҳарлар ҳамда Янгийўл, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида худудий босқичлари якунланди.

Навбатдаги якунловчи олий босқичда худудий танлов ғолиблари ўзаро беллашадилар. Ғолибларнинг якунловчи концерти эса Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинади.

Айни чоғда, вилоят маданият ходимларининг «Халқ ижодиёти — ҳақ ижод» номли илмий-амалий анжуманини ўтказишга ҳам жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Анжуманда вилоят халқ ижодиётининг ўзига хос муаммолари устида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиши кутилмоқда, шунингдек, таниқли фольклоршунос олимларнинг илмий маърузалар билан иштирок этишлари режалаштирилган. Илмий анжуманни вилоят илмий-услубиёт маданият маркази ташкил этмоқда.

Б. ҲАБИБОВ.

ИСМАТИЛЛО ҲОЖИНИНГ САҲОВАТИ


Асли байтқўрғонлик Султонбой ўғли Исматилло ҳожи 1933 йилда тақдир тақозоси билан ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Мана, 45 йилдирки, Саудия Арабистонида, Мадинада истиқомат қилади. Тижорат ишлари билан шуғулланади. Лекин у ҳамиша-ҳамрўз ўз юртини қўмсаб келди.

Республикамиз мустақил бўлгач, у юртига меҳмон бўлиб келди. Ёр-дўстлари, қариндош-уруғлари билан учрашди. Ўз маблағи ҳисобидан туғилган қишлоғи Байтқўрғонда қурилишлар қилиш ниятида эканлигини айтди. Туман ҳокимлигидан рухсат олиб, ишга киришди. Қисқа вақт ичида ана шу қурилишлардан биринчиси — масжид қуриб битказилди. У ерда қироатхона, мадраса ҳам мавжуд. Яқинда ана шу масжид фойдаланишга топширилди.

Фахрийлар Исматилло ҳожининг кўрсатган саховати, динимизни, тилимизни, қадимий анъанаю урф-одатларимизни қайтиб берганлиги учун ҳукуматимизга, шахсан Президентимизга раҳматлар айтдилар, қўл очиб дуолар қилдилар.

Исматилло ҳожи туғилиб ўсган юрти, халқига хизмат қилиш шарафига муяссар бўлганлиги учун шукроналар билдирди. Келгусида туманда янги бир шифохона, мактаб қуриб бериш нияти ҳам борлигини айтди.

Н. РИХСИЕВ.



Деҳқоннинг тарвузи пишди

Ҳозир айни пишиқчилик. Деҳқон бозорларини айланасангиз кўзингиз қамашади. Сархил мева-чевалар, тилими тилни ёрадиган қовунлару шириншакар тарвузлар. Адашмай мазза қилиб, чанқовбосди қилай десангиз, чинозлик деҳқон-фермер Бозорбой ака Ҳусанов сингари саҳий, қўли очиқ миришкорлар етиштирган тарвуздан олинг. Пулингиз ўзингиз билан бирга кетади.

Абдужалол Раҳимов олган сурат.

ХЎЖАЛИККА ҲАМ, ЎЗИГА ҲАМ

ИСОҚ Хўрозов Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигидан 7,5 гектар ерни ижарага олган эди. Ғалладан мўл ҳосил етиштирган ижарачи 40 центнердан ҳирмон кўтариб, хўжаликка 30 тонна дон топширди.

Режадан ортганини оиласи эҳтиёжи учун қолдирди, уруғлик ҳам ғамлаб қўйди.

Чарос ЎСКАНОВА.

Фармон ва ижро

ҲЕЧ КИМ МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИ

Вилоятимизда аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича индексация қилинган маблағларини тўлаш қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача 63 мингдан ортиқ омонатчига 108 миллион сўмдан зиёд индексация пуллари берилди.

РЕСПУБЛИКА Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги фармони яна бир бор республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уни бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатининг устивор эканлигини исботлаб турипти. Ўзингиз тасаввур қилинг. Биргина Тошкент вилоятида 321 минг 634 фуқарога 3 миллиард 918,5 минг сўмга яқин индексация пуллари берилади. Бу маблағнинг дастлабки 10 фоизини омонатчилар 1 июлдан бошлаб олишмоқда.

— Банкимизга келган омонатчилар турли тоифа кишилари, Улар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари, талабалар, оддий ишчи ва деҳқонлар, оналар бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам Президентимиз ва республика ҳукумати яратиб берган бу катта имкониятдан миннатдор эканликларини айтмоқдалар, — дейди республика халқ банки вилоят бошқармаси бўлими бошлиғининг муовини Абдураҳим Носирхонов. — Биз банкирлар эса фармон ва қарор ижросини таъминлаш, ҳар бир омонатчига индексация пулларини ўз вақтида етказиб бериш учун барча чора-тадбирларни кўряпмиз. Шу кунгача банкларимизга мурожаат қилган 63 мингдан ортиқ фуқарога 108 миллион сўмдан кўпроқ индексация пуллари берилди.

Дарҳақиқат, жойлардаги халқ банки бўлимлари ва унинг ходимлари фаол ишламоқдалар. Барча шаҳар ва туманларда бу масала қатъий назоратга олинган. Халқимизга қулайлик яратиш мақсадида халқ банки вилоят бошқармасининг шаҳар ва туманлардаги асосий 19 та бўлимининг қишлоқ ва аҳоли кўп истиқомат қиладиган ҳудудларида кўплаб бўлинмалари очилди. Бизга маълум қилишларича, омонатчилар индексация қилинган пулларнинг дастлабки 10 фоизини ҳеч қандай маҳтал бўлмай ўз вақтида олишга эришмоқдалар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда яна бир хайрли фармон ўз ижросини топмоқда. Вилоятимиздаги қолган омонатчиларнинг ҳам ўз пулларини вақтида олишларига шак-шубҳа йўқ. Чунки, халқ банки бўлимларида бу иш юқоридагидай юксак савияда ташкил этилган.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Кеча Тошкентда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ва республика таълим маркази ҳамкорлигида «Туркистон умумий уйимиз» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди

БЕШ МИЛЛАТ — ЭШ МИЛЛАТ

«ҚАДИМ-ҚАДИМ замондан Турон замини деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар.

Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ҳамда абадий насибамиздир», — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ўтган йили июль ойида икки мустақил республика — Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон фан ва маданият арбоблари ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Марказий Осиё республикалари маданияти форуми» халқаро ҳаракатини тузиш ташаббуси билан чиққанлари таҳсинга сазовор бўлган эди. Бу ғоя кейинчалик Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон маданият ва фан арбоблари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди, мазкур ҳаракатнинг ташаббускор гуруҳи тузилди. Сўнгра ўтган йилнинг 1 сентябрида «Марказий Осиё республикалари маданияти форуми» халқаро ҳаракати таъсис этилди.

Ҳаракатнинг асосий мақсади — Марказий Осиё мустақил давлатлар илмий ва ижодий зиёлиларнинг бир-бирларига яқинлашувига кўмаклашиш, шунингдек, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида ҳар бир республикада қилинган янги кашфиётлар ҳамда муҳим воқеалар тўғрисидаги ахборотларни йўлга қўйиш, айни пайтда энг сара асарларни таржима қилиш, нашр этиш, дўстона учрашувлар, қурултойлар, конференциялар, декадалар, кўргазмалар ва шу каби маданий тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш белгиланди.

Фаол саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бу йил Тошкентда халқаро симпозиум чақиришга келишиб олинди. Қурултойнинг Марказий Осиё республикалари вакиллари — таниқли фан ва маданият арбобларидан иборат ташкилий қўмитаси тузилди. Айни чоғда мазкур ҳаракатда қатнашувчи мамлакатлар пойтахтларида ҳам шундай тизилмалар вужудга келди, қурултойга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Кеча режа ва келишувга асосан пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республика таълим маркази ҳамкорлигида «Туркистон умумий уйимиз» мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари иштирок этдилар.

Йиғилганлар тарих фанлари номзоди, тожик миллий маркази раиси Т. Набиевнинг «Муштарак маданиятимиз шажараси», ёзувчи, қирғиз миллий маркази котиби Т. Адашбоевнинг «Қирғиз ва ўзбек халқларининг қардошлиги» борасидаги маърузаларини тинглашди.

Шунингдек, анжуманда тарих фанлари доктори Ҳ. Бобобеков «Ўрта Осиёда халқаро муносабатлар тарихидан», тарих фанлари номзоди К. Холлиев «Туркман китоблари Ўзбекистонда» каби қизиқарли маърузалар қилдилар.

Бир сўз билан айтганда бу халқаро анжуман Туркистоннинг қайта тикланиши, адабиётимиз, санъатимиз, илм-фанимиз ўзаро бойишига ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг инсонпарварлик ва маънавий равнақ топишига, ўзаро яқинлашувнинг янги тарихий тажрибасини фаол ўзлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

1991 1 сентябрь 1996

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Олмалиқ



ШАҲРИМИЗ ЎСМОҚДА, КЕНГАЙМОҚДА

ОЛМАЛИҚ вилоятимизнингина эмас, айни вақтда, республикамизнинг йирик саноат маркази ҳисобланади. Бу ерда ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг муайян ўзгаришлар юз берди. Шу кунларда эса шаҳардаги барча меҳнат жамоалари мустақиллигимизнинг беш йиллигини муносиб нишонлаш учун фидокорона ишламоқдалар. Мухбиримиз Мирсобир Мирҳамидов шулар ҳақида сўзлаб бериш учун шаҳар ҳокими Юрий Николаевич БЕЛАНОВ билан суҳбатлашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Юрий Николаевич, шаҳарнинг бугунги қиёфасини қандай тавсифлаб берар эдингиз?

— Маълумки, яқинда шаҳримиз барпо этилганлигининг 45 йиллигини нишонладик. Тарихан бу қисқа муддат Олмалиқ учун камол топиш, ривожланиш, кўркамлашиш даври бўлди. Эндиликда у йирик саноат маркази ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда шаҳримизда 500 дан ортиқ саноат, қурилиш, транспорт, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ишлаб турипти. Улар орасида кон-металлургия комбинати сўзсиз байроқдор ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам жуда катта. Бу ерда мис, рух, кадмий, индий, қатор бошқа рангли металлар ишлаб чиқарилмоқда, сўнгги йилларда эса олтин ва кумуш ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бундай қимматли рангли металларни ишлаб чиқариш мустақилликка эришганимиздан кейин юз берди.

Шаҳримиз ўзининг тараққий этиши билан, ҳозирги қиёфаси билан кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси олдида қарздордир. Бу замонавий улкан корхона шундай бир негиз бўлдики, Олмаликдаги барча саноат ва қурилиш инфраструктураси унинг атрофида шаклланди. Биз истиқболга бўлган ишончимизни ҳам шу корхона билан боғлаймиз. Чунки, у кенг кўламда қайта қурилади. Бу эса ўз навбатида Олмалиқнинг бутун ривожланиши тарихида яна бир катта босқичнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда шаҳримиз ўзининг қудратли минерал ўғитлари ишлаб чиқариши билан ҳам машҳурдир. Унинг маҳсулоти бўлган аммофос мамлакатимиздан ташқаридаги кўпгина давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Тўғри, ҳозирги вақтда «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Бу бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликларидир. Лекин, биз аминмизки, бу қийинчиликлар албатта бартараф этилади. Жонажон шаҳримизнинг гуллаб-яшнашига салмоқли ҳисса қўшган корхонанинг истиқболи ажойиб бўлишига ишонамиз.

Шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш ҳамда истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш мақсадида қатор корхоналар қурилди ва ишлаб турипти. Мебел комбинати, рўзғор кимёси заводи, гилам ва тикувчилик фабрикалари, гўшт ва сут комбинатлари, пиво заводи ва бошқалар шулар жумласига киради. Қудратли қурилиш саноати таркиб топган. Олмалиқ кўрғошин қурилиши трести ҳиссадорлик жамияти ҳамда унинг қатор ёрдамчи-пудратчи ташкилотлари, гишт заводи, темир-бетон конструкциялари заводи уни ташкил этади. Йирик уйсозлик комбинатимиз ҳам ҳозирги вақтда юзага келган қийинчиликларни енгиб бормоқда.

— Шаҳарда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилмоқда?

— Биз иқтисодиётда ислоҳотларни унинг кўп тармоқли бўлишини шакллантириш орқали амалга оширяпмиз. 500 дан ортиқ бўлган корхонанинг 77 фоизи давлат мулки ҳисобланмайди. Тўғри, уларнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши фақатгина 10 фоизни ташкил этиб турипти. Бироқ, қурилиш-монтаж ишларининг деярли 90 фоизи, барча пулли хизматлар ҳажмининг ярмидан ортиқроғи, товар айланмасининг 90 фоизи уларнинг улушига тўғри келади. Ҳозиргача 13 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Бу корхоналар АҚШ, Корея, Россия, Болгария, Покистон билан бирга барпо этилди. Уларнинг 5 таси барқарор ишлаб турипти.

Саноатни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини бундан буён ҳам давом эттирамиз. Аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини таъминлаш юзасидан кўп иш қилишимиз лозим. Биз уларни хусусийлаштиришни асосан тугалладик.

— Сизни шаҳар ҳокими сифатида қандай муаммолар кўпроқ ташвишга солмоқда?

— Саноат ишлаб чиқаришидаги пасайишни ниҳоятда суст бартараф этаётганимиз. Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу соҳада кутилган ижобий ўзгариш бу йилдан бошлаб сезилмоқда. Ўтган йилга нисбатан қатор корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нархларда анча кўпайди. Кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, гишт заводи, мебель комбинати, пиво заводи, гилам фабрикасида шундай силжиш юзага келмоқда. Айни вақтда 8 та йирик корхона ўсиш суръатларининг пасайишига йўл қўйди. Бу умуман шаҳар бўйича кўрсаткичларга салбий таъсир қилмоқда.

Корхоналаримиз омборларида сотилмаган катта ҳажмдаги маҳсулотлар тўпланиб қолди. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар фаоллари йиғилишида биз бундай аҳволнинг пайдо бўлиш сабабларини чуқур таҳлил қилдик, уларни бартараф этиш йўлларини белгиладик.

— Бу йилги Олмалиқнинг ўзига хос хусусияти сифатида нималарни айтган бўлардингиз?

— Кишиларимизнинг ўтиш даври қийинчиликларини иложи борича тезроқ бартараф этиш ҳамда юксалиш йўлига тушиб олишга бўлган кучли хоҳиш-иродасини алоҳида қайд этган бўлар эдим.

Ҳа, ҳозир бизга осон эмас. Илгариги вақтдагиларга нисбатан маҳсулотни кам ишлаб чиқаряпмиз. Уларни сотишни ҳам доим уддалай олмаяпмиз. Шунинг учун маблағдан қийналаяпмиз, энг зарур ишларни ҳам вақтида амалга ошира олмаяпмиз. Бироқ шунга қарамай шаҳримизда ҳаёт қайнамоқда. Биз келажакка катта ишонч билан қарабгина қолмай, ўзимизнинг кундалик, фидокорона меҳнатимизни фаровон келажакни яқинлаштириш учун сарфлаяпмиз. Бу эса шаҳримиз қиёфасини кўз ўнгимизда ўзгартирмоқда. Айни вақтда шаҳарликларнинг ҳам қалби тобора гўзаллашиб бораяпти.

Биз сўнгги йилларда капитал сармояларни сарфламасдан туриб, ўнлаб кўркам ижтимоий-маданий муассасалар барпо этдик. Бу мақсад учун бевосита аҳолининг маблағини жалб қилдик. Бундай бунёдкорлик ишларида ўзининг маблағи билан қатнашувчилар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Сўнгги икки-уч йил ичидагина шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида йирик ижтимоий савдо маркази юзага келди. Бу ерда янги автовакзал ҳамда пойтахт вилоятида энг йирик ва энг гўзал савдо мажмуи қад кўтарди. Бу бозорда 200 дан ортиқ доимий дўконлар ва 2 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 2 та бозор мавжуд бўлади. Мажмуанинг биринчи навбати фойдаланиш учун қабул қилинди. У Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигигача тўла фойдаланишга топширилади.

Иқтисодиётдаги бўхронни бартараф этиш учун, шаҳарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш учунгина эмас, шу билан бирга, унинг ташқи кўринишини кўркамлаштириш, меъморий қиёфасини гўзаллаштиришга даъват этилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шаҳримиз ўзининг истиқболига ишонч билан қарамоқда. У келажаги буюк бўлган давлатимиз қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ҲИССАДОР БЎЛДИК

ҲИССАДОРЛИК жамиятимиз шаҳримизнинг энг кекса корхонаси ҳисобланади. Олмалиқнинг пайдо бўлиши, шаҳар сифатида юзага келишида жамоамизнинг ҳам озми-кўпми муносиб ҳиссаси бор. Қирқ беш йилдирки, ўзининг турли шакл ва ҳажмдаги темирбетон конструкциялари билан саноат корхоналари, ижтимоий-маданий муассасалар, уй-жойлар қурилишига мадад бермоқда. Шаҳар пойдеворини қурган жамоамиз ҳозир ҳам ўзининг яратувчилик меҳнати билан яшамоқда.

Кейинги йилларда корхонамиз ихтисоси анча торайди. Биз, асосан, дончилик саноати буюртмаларини бажариш билан шуғулланадиган бўлиб қолдик. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун умумхалқ курашининг бошланиши шуни тақозо этди. Сўнгги йилларда қад кўтарган тармоқ корхоналарининг деярли ҳаммасида жамоамиз кўлидан чиқаётган темир-бетон конструкциялари кўплаб фойдаланилди.

Андижон ва Янгийўл спирт заводлари қурилиши йирик буюртмачилардир. Ғузорда шундай корхонанинг ишга туширилишида бизнинг ҳам улуш бор. Хонқа ва Гулистонда ун заводларининг бунёд этилишига турли хил темирбетон буюмлари етказиб бердик. Бундай корхоналар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Энг қувончлиси шундаки, бу йилдан ишлаб чиқариш ҳажми орта бошлади. Асосий маҳсулотимиз — темир-бетон конструкцияларини тайёрлаш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда икки ярим баравар кўпайди. Шу даврда республикамиздаги турли хил иншоотлар қурилишига деярли қирқ миллион сўмлик бинокорлик материаллари жўнатилди. Ўтган йилнинг шу давридаги унинг ҳажми 16 миллион сўмни ташкил этган эди. Якка тартибда уй-жой қурувчилар эҳтиёжлари учун ҳам буюмлар ишлаб чиқариш ортмоқда. Бу соҳадаги ўсиш ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 70 фоизга яқинроқ бўлди. Ярим йилликда ками билан бир миллион сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

Корхонамиз жамоасини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Ёрдамчи хўжалигимизда ўнлаб қорамол, кўй ва отлар боқилмоқда. Вақти-вақти билан ишчи-хизматчиларга чорвачилик маҳсулотларини улашиб турамиз. Корхона ҳудудидаги буш ётган майдонда мевазор боғ ташкил этдик.

Ўктам ҚИЛИЧЕВ,
«Бетоninвест» ҳиссадорлик жамияти раҳбари.



● Корхона ҳиссадорларидан Бахтиёр Ханжаров меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда.

ШЕРИКЧИЛИКДА ГАП КЎП ЭКАН

ШАҲРИМИЗДА қатор қўшма корхоналар ишлаб турипти. Бу йил уларнинг сони ўн учтага етди. Уларнинг ҳаммаси кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу билан уларнинг жамоалари истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Бизнинг «Албо» қўшма корхонамиз ҳам шундай ишлаб чиқаришларнинг бири ҳисобланади. Унинг барпо этилиши омили бозорнинг талаби бўлди. Маълумки, Олмалиқ рўзғор кимёси заводи кундалик турмуш учун зарур бўладиган турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарса ҳам улар орасида тиш пастаси йўқ эди. Бундай серталаб маҳсулотга бўлган эҳтиёж асосан ҳориждан келтириладиганлари билан қондириларди. Албатта, бу қимматга тушарди.

Шу сабабли тиш пастаси ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этишга қарор қилинди. Уни рўзғор кимёси заводи ҳузурида ташкил этиш тўғри йўл эди. Кейинги йилларда хом ашё таъминоти мушкуллашиб қолгач бу корхонанинг қатор қувватлари бекор туриб қолди.

Улардан янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун бемалол фойдаланиш мумкин эди. Шундай имконият ҳисобга олинди.

Қўшма корхонани барпо этиш учун ҳориждан шериклар излашга киришилди. У Болгариядан топилди. Бу мамлакатда тиш пасталари ишлаб чиқаришда катта тажриба орттирилган. «Вено» фирмаси ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, рўзғор кимёси заводи маъмуриятлари ҳам таъсисчи бўлиш истагини билдирдилар. Шундай қилиб, тиш пастаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Албо» қўшма корхонаси вужудга келди. Пастага «Албо Фреш» деб ном қўйдик. У мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин пайдо бўлиши билан дикқатга сазовордир.

Корхонамиз маҳсулот бера бошлаганига бир йилдан сал ошди. Ўтган йили 780 мингта тиш пастаси тайёрланган бўлса, жорий йил бошидан бери бир ярим миллионта шундай маҳсулот истеъмол бозорига етказиб берилди. Жамоамиз ойига беш юз мингта паста ишлаб чиқаришдек юксак маррага ҳам чиқиб олди. Эндиликдаги вазифа — шу суръатни сақлаб қолишдан иборат.

Бизнинг маҳсулотимиз арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳозирги вақтда у фақат республикамизда тарқатилмоқда. Улгуржи нархларда сотаяпмиз. Келгусида чакана савдони ҳам йўлга қўямиз, бунинг учун шаҳардаги эски дўконлардан бирини қайта қуришга киришдик.

Айни вақтда маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг янги-янги хилларини ўзлаштириш ишлари ҳам олиб бориляпти.Яқинда тери учун «Яшма» мой упаси ва соқол-мўйлов олиш учун ишлатиладиган «Олба» пастаси тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай маҳсулотларнинг дастлабки туркуми тайёрланиб, савдо шахобчаларига юборилди. Мақсад бозорнинг талабини ўрганиш. Харидоргир бўлса уларни тайёрлашни кенгайтиришга киришамиз. Чунки, ҳозирги даврда буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.


Юрий ШАРИПОВ,
Ўзбекистон-Болгария «Албо» қўшма корхонасининг бош муҳандиси.



● Харидорлар излаб сотиб олаётган тиш пасталарини Гулчеҳра Мустафоева, Люба Харитонова ва Танзила Мифтохова сингари қўли гул хотин-қизлар ишлаб чиқарадилар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига







ТЎЙГА ТЎЁНА

Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишидаги бунёдкорлик ишлари кундан-кунга ривож топиб, чирой очиб бормоқда. Бу кошонадаги ишларни яқингинада тугаллаган пайвандчилар навбатни пардозловчиларга топширганларига ҳам эндигина бир ойдан ошди. Мана, бугунги кунда «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг «Пардоз» бўлими ишчилари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, мўлжалдаги пардоз ишларини поёнига етказмоқдалар. Мармарчи, кошинкорларнинг маҳорати туфайли бу муҳташам музей биноси кундан кунга гўзаллашиб, ўз кўркини бутун пойтахтга намойиш этмоқда.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланадиган ушбу йилнинг энг муҳим ва ноёб иншоотларидан бири бўлиб қоладиган мазкур музей-қаср қурилишида «Тошкентуйқойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Турон» ҳиссадорлик жамияти, Тошкент махсус пардозлаш қурилиши, Тошкент механизация қурилиши ҳиссадорлик жамияти, «Усто» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Меъмор» лойиҳалаш бош бошқармаси, Тошкент лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг катта гуруҳи ва бошқа кўплаб қурилиш ташкилотлари қатнашмоқдалар.

— Бу ерда куну-тун 800 дан зиёд қурувчилар меҳнат қилмоқдалар, — дейди иш юритувчи Нигматилла Усмонов, — Вақт эса ўтиб боряпти. Ушбу муҳташам қасрнинг пойдеворига яқиндагина асос солинган эди, бугунги кунда у ўзининг кўркамлиги ва салобати билан кўзларни қувнатмоқда. Ҳар бир қурувчимизнинг кўкси фахр-ғурурга тўла. Зеро бунингдек кошоналар ҳар куни қурилавермайди. Жонажон республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги тантаналари нишонланадиган қутлуғ кун ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Бунёдкорларимиз шонли санага муносиб тўёна ҳозирлаш мақсадида музей-қаср қурилишидаги ишларни тезроқ тугаллаб, байрам арафасида уни фойдаланишга топшириш ниятидалар.

Жалол АЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: кошонанинг умумий кўриниши; «Турон» ҳиссадорлик жамияти «Пардоз» бўлимининг бошлиғи Юрий Шарипов (чапдан ўнгга), мармарчи Витислав Саушкин ва иш юритувчи Нигматилла Усмоновлар; нақкош Фахриддин Нуралиев.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«Ватанни севмоқ-иймондандир» танловига

ТИЛГИНАНГ БАХТ КУЙЛАСИН

«МАЪРИФАТНИНГ энг юқори даражаси инсоннинг ўзини ва мартабасини билишдадир», — деб ёзган машҳур аллома Абу Ҳамид Ғаззолий. Ўзни билмоқлик ва англамоқлик — оилага, жамиятга, Ватанга бўлган муҳаббатга бориб тақалади. Халқимизнинг асл, фидоий фарзандлари ҳамиша элим, юртим деб ёниб яшаганлар. Шундай инсонларнинг тақдири эса ўтмишда кўпинча фожиали ҳол билан ўз интихосига етган. Кўпларнинг мўътабар номлари вақтинчалик унутилиб, тарих саҳифаларининг зарварақларида қолиб кетган. Ҳозирги дориломон кунларда улардан айримларнинг унитилган номларини эсламоқ, тиклamoқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Ана шундай пуристеъдод сиймолардан бири Саидрасул Саидазизовдир.

Саидрасул Саидазизов 1866 йили Тошкентда муфти Сайидазизхўжа оиласида дунёга келди. Саидрасул аввал маҳалла мактабида, сўнгра Шайхонтоҳурдаги Мадрасаи Маҳмуд дастурхончида таҳсил олган, айни вақтда 1-рус-тузем мактабини ҳам битирган.

1900 йили шу мактабнинг «Мусулмонча синф» ўқитувчиси этиб ишга қабул қилинган. Тез орада у ўзининг илми, одоби билан ижобий томондан оғизга тушади. Унга ўзбекча алифбе ёзиш ишониб топширилади. 1902 йилнинг сентябрь ойидан муаллифнинг уч минг нусхада «Устоди аввал» деб номланган китоби босилиб чиқиб, фойдаланиш учун рус-тузем мактабларига тарқатилади.

1904 йилдан бошлаб, Туркистон ўқитувчилар семинариясига ўзбек ва форс тилидан амалий машғулотлар муаллими қилиб ишга қабул қилинди. Туркистон шарқшунослик жамиятининг ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлади.

Саидрасул Саидазизов 1910 йилнинг июль ойида Москва ва Петербургга саёҳат қилади. Бу ерларда у музейларда бўлиб, кутубхоналарда жиддий шуғулланади. Унинг саёҳат хотиралари 1910—1911 йиллари «Туркистон вилояти газети»да босилиб чиқади. Айни пайтда, у Азизий таҳаллусида ғазаллар ёзган. Азизий дастлабки ўзбек таржимонларидан ҳам бири эди.

Азизий 1918 йилдан Тошкентда очилган шарқшунослик илмгоҳида ўқитувчи бўлиб ишлади. Шунингдек, у Туркистон Муҳтор Жумҳурияти адлия нозирлигида маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади.

Шундан кейин унинг ҳаётида оғир дамлар бошланади. Яъни, 20 йилларнинг охирларида «чор амалдорлари билан алоқада бўлган» деган айби билан қамалади. Сибирга сургун қилиниб, у ерда врачга таржимонлик қилади. Қамоқдан қайтгач, ўз ховлисида яшаб, табиблик билан шуғулланади.

У 1939 йили Тошкентда 73 ёшида вафот этади. Саидрасул Саидазизов Бешёғоч даҳасидаги «Хожа аламбардор» қабристонига дафн этилган.

Истиқлол йўлида жонини қурбон қилган зиёлилардан яна бири Саид Аҳрорийдир. У 1895 йили савдогар Абдурашидхўжа оиласида туғилган. Саид Аҳрорий аввал гимназияни тамомлаган, икки йил мобайнида ҳарбий мактабда таҳсил кўрган. 1918 йилда «Турк ўчоғи» миллий уюшмасига аъзо бўлган. Айни пайтда, «Турк сўзи, изчилар тўдаси» ва «Ватан» номли мактаб ташкил қилган.

Кейинчалик у турли лавозимларда ишлаган. Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти нашриёти директори, «Бухоро ахбори» ва «Зарафшон» газеталари муҳаррири ва бошқалар шулар жумласидандир. Унинг «Яшамоқ орзуси», «Инглизларнинг сўнгги умиди», «Кўланкаларимга», «Инқилобимиз», «Дўстлик муносабати», «Қайтиш», «Вазифа бошинда» «Қонга қон» номли ва бошқа мақолаларида истибдодга қарши, мустақиллик учун кураш садолари қаламга олинган. Унинг «Турк-ўзбек атамалар луғати» алоҳида аҳамият касб этган.

У Мунаввар Қори, Боту, Гаспирали, Беҳбудий ва бошқалар билан яқин бўлган, улар билан маслаҳатлашиб, фаолият кўрсатганлиги йирик маърифатпарвар инсон бўлганидан далолатдир. Зеро, у «Яшамоқ орзуси» номли мақоласида: «... Энди биз ҳам бошқа миллатлар орасида бир мавқе тутмоқ учун барча овозимизни кўтариб ҳаққимизни талаймиз...» — деб бонг уради.

Саид Аҳрорий бадиий ижод билан ҳам жиддий шуғулланган. Бироқ унинг йиллар тўфони орқали адабий меросининг маълум бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. У яратган қаторалар, шеърлар ҳозир ҳам ўзининг долзарблиги, бадиий етуклиги билан аҳамиятлидир. Унинг «Ўксима» (12.11.1929 й. Самарқанд) номли шеърларидаги қуйидаги мисралар келажакка умид билан қарашга, кишиларни маърифатга чорлашга чақиради, зеро, унинг ҳаёти ва ижодининг бош мавзуи ҳам шундан иборат:

... Тонг отарда уйғонсанг,
Тилгинанг бахт куйласин,
Ўйчан, азиз бошгинанг,
Келажакни ўйласин.

Енг шимариб хизматга!
Сийнангни оч меҳнатга!
Тенгларинг кун кўрганда
Берма тан дард-кулфатга...

Қанот қоқиб юксал, уч,
Гуллаганда ҳар томон.
Маърифатни дўст тутиб,
Яйраб олғил, беармон.

Саид Аҳрорий 1931 йил 25 апрелда «халқ душмани» сифатида отишга ҳукм қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1957 йил 5 сентябрдаги 216/Н ажрими билан унинг пок номи ўлимидан кейин оқланган.

Бир сўз билан айтганда, Туркистоннинг мустақиллиги учун фидойилик кўрсатган, курашган, халқимизнинг ҳокимсор, асл фарзандлари номини эсламоқ, тиклamoқ ва абадийлаштирмоқ лозим. Бу эса ҳар куни ҳар ким қилиши керак бўлган савоб ишлардан бири бўлиб қолади.

БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ.

Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл

АКА-УКА ТАДБИРКОРЛАР

ПИСКЕНТ шаҳрида Мирмўмин аканинг фарзандларини танимайдиганлар кам топилса керак. Тадбиркорлик соҳасида ҳалол меҳнат қилаётган бу ака-укаларнинг камтар ва ишбилармон эканликларини айтмайсизми? 1992 йилда олти нафар ака-ука жам бўлишиб, ҳусусий корхона очишга қарор қилдилар. Корхонага падари бузруквор-ларининг номини қўйиб, уни «Мирмўмин» деб атадилар. Директорликка эса техникумни тугаллаш арафасида турган Зукуржонни сайлашди. Ака-укалар тадбиркорликни 1993 йилда ўз кучлари билан автомобиль эҳтиёт қисмлари билан савдо қиладиган шинамгина дўконни очишдан бошладилар. Орадан кўп ўтмай автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехи ҳам ишга туширилди. Унда уч нафар уста мунтазам иш билан банд бўлди. Дўконда четдан олиб келинган турли зарур эҳтиёт қисмлар билан савдо қилиш йўлга қўйилди.

Ака-ука тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг янги-янги бўлинмаларини очишга ҳаракат қилмоқдалар. Топилган маблағни асосан шу мақсадларга сарфлашмоқда. Шу туфайли ҳам ҳусусий корхонада кенг истеъмол моллари тайёрлаш ҳажми ортиб, тури кўпаймоқда.

1994 йилда эса билим юртига қарашли бўлган ва фаолияти тўхтаб қолган тикув цехи корхона томонидан ижарага олинди. Зарур моллар келтирилиб, 12 нафар чевар иш билан таъминланди. Тикув цехида кўрпа-ёстиқ, чойшаблар, устки жилдлар, болаларнинг кийимлари тикила бошланди.

Ака-укалар бу билан қаноатланмадилар, изланишда давом этмоқдалар. Бунда бозор эҳтиёжларини ўрганишга катта эътибор беришяпти. Қандай буюмларнинг бозори чаққонлигини сўраб-суриштирмоқдалар. Бундай саъи-ҳаракатлар туфайли янги-янги фикрлар, таклифу, мулоҳазалар пайдо бўлмоқда ва улар ҳақида бафуржа маслаҳатлашилиб бир тўхтамга келинмоқда. Шу тариқа совун ишлаб чиқариш цехини яратиш мақсади туғилди. Ака-укаларнинг келишуви билан кичик корхона раҳбари Зукуржон Наманганда-ги совун ишлаб чиқарувчи кичик корхонада иш тажрибасини ўрганиш учун жўнаб кетди.

Зукуржон Наманганда уч ой бўлди. Кир совун ишлаб чиқариш юзаки қараганда оддий, аммо, аслида сермеҳнат жараённи миридан сиригача ўрганиб олди. Сентябрь ойида Пискентда корхонага қарашли чоғроққина совун цехи қуриб битказилди. Дастлаб Тошкентдаги ёғ-мой заводи билан мунтазам хом ашё олиб туриш учун шартнома тузилди. Олдиндан-зарур миқдорда сармоя ҳам ўтказиб қўйилди. Цехдаги ишларни ҳам ака-укалар биргаликда бошқаришди. Бу ерда бир кеча-кундузда 1000-1500 дона кир совун ишлаб чиқарила бошланди.

Рўзғор учун зарур бўлган бундай маҳсулот бозорда 10-12 сўм туради. Янги цехда ишлаб чиқарилаётган совуннинг баҳоси эса 6-7 сўм қилиб белгиланган. Табиийки, арзон маҳсулотга талаб катта бўлмоқда. Шунинг учун корхона маъмурияти туманимиздаги, шунингдек Ўрта-чирчиқ туманидаги ҳудудий тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, Пискент ва Бўка савдо ҳиссадорлик жамиятлари билан ўзаро шартномалар тузди. Уларга совун етказиб бериш йўлга қўйилди. Умуман, ҳар ойда жамоа ўрта ҳисобда 15-20 минг дона совун ишлаб чиқармоқда. Уч ой бадалида эса корхона цех фаолияти билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатлардан ташқари 100 минг сўмдан зиёд фойда кўрди.

— Даромадга қараб буромад, — дейди корхона директори Зукуржон Усмонов, — маҳсулот ишлаб чиқара бошланган дастлабки ойда ишчиларимиз 700 сўмдан маош олган бўлсалар, кейинги ойларда уларнинг иш ҳақлари 1600-2000 сўмни ташкил этмоқда. Қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарсак, маош ҳам шунга яраша ортиб бораверади.

Пискентда илк бор совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Усмоновларнинг ниятлари катта. Келгусида цехни янада кенгайтириб, завод даражасига етказишмоқчи. Ҳозирча етти нафар ишчи ишлаётган бўлса, кейинчалик бу ерда 70 киши фойдали меҳнат билан банд этилади.

Бироқ цех фаолиятини янада жонлантириш ва кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Тадбиркор йигитлар туманимиздан, Тошкентдан хом ашё келтириш учун яроқли бирорта улов топишолмаяпти. Ноиложликдан Ўрта-чирчиқ туманидан ёллашга мажбур бўлишяпти. Демак, цех даромадининг бир қисми шунга сарфланмоқда.

Цех бугунги кунда ака-укаларнинг бирини уйли-жойли қилиш учун сотиб олинган уйга вақтинчалик жойлашган.

— Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бизга мосроқ жой зарур, — дейди Қобулжон Усмонов. — Ҳокимлигимизнинг янги раҳбарлиги бизнинг юмушимиз билан қизиқиб қолди. Бизга қулай шароит яратиб бермоқчи. Бундан, гапнинг рости, хурсанд бўлиб кетдик. Бу муаммоларимизнинг тезроқ ҳал бўлишига умид туғдирали, ишимиз янада юришиб кетишига ёрдам беради.

Дарҳақиқат, Усмоновлар яна бир хайрли ишни бошлашни режалаштирмоқдалар. Пискентда ойна ишлаб чиқариш цехини ишга туширишмоқчи. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра бунинг учун олисдан хом ашё келтиришнинг зарурати йўқ. Аҳоли хонадонларидаги яроқсиз ҳолга келган чинни-шиша буюмларини корхона тайёрлаётган маҳсулотларга алмашиш асосида қабул қилиб, қайта ишлаш билан дераза ойнаси чиқарса бўлар экан.

Туманимизда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган моллар ишлаб чиқаришга истойдил бел боғлаган Усмоновлар сингари тадбиркор, ишбилармон кишилар кўп. Фақат уларга озгина эътибор бериш бошлаган ишларини қўллаб-қувватлаш лозим. Шундай бўлса тадбиркорлик тузилмаларининг фаолияти янада самарали бўлиб бораверади.

С. ИНОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси. Пискент тумани.

Ёзувчи ва журналист Мақсуд ҚОРИЕВ — 70 ёшда

УНИ СЕВМАЙ БЎЛУРМИ?..

...Ўшанда университет талабаси эдик. Ёзги таътил палласида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета таҳририятига тажриба ўргангани келгандик. Газетани чиқаришга боғлиқ барча жараёнлар билан таништира бошладилар. Тунги навбатчиликда масъул ходимга бизни ёрдамчи этиб тайинлашарди. Навбат менга ҳам келди. Ходимлардан ўша сонга Мақсуд Қориев масъул экан. Келишган, ёқимтой. Дилимга ўтириб қолди. Саҳифаларни бирга ўқидик, фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашдик. Тунги соат ўн иккиларга борганда ишни тугатиб, охирги саҳифага қўл қўйиш арафасида бир хабарда хато ўтиб кетганлигини тафтишчи мусаҳҳих аниқлаб қолди. Табиийки, бу ҳолда газетани чиқариб бўлмасди. Хатони тузатдик, саҳифа қайта қуйилди. Таҳририятда ўрнатилган тартибга биноан хато топилса, уни тузатиш учун кетган барча харажатлар айбдордан ундириб олинаркан. Айбдор эса мен эдим. Гап пулда эмас эди. Балки, мен деб шундай одамга гап тегадиган бўлди, деб изтироб чекардим.

Эртасига ишга келсам, жаримани Мақсуд ака ўз ҳисобига ёздирибди, у талаба, ўргамчикка келган, деб хатони ҳам ўзиники қилиб олибди.

Ўша пайтда мен учун у кишидан мард, танти одам йўқ эди дунёда. Шу-шу қадрдон бўлиб қолдик. Бахтимни қарангки, кейинчалик тақдир бизни яна учраштирди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида у киши муҳаррир ўринбосари, мен эса бўлим мудири бўлиб хизмат қилдим. Бағри кенг, камтар, кишиларга самимий Мақсуд Қориевни ҳаммамиз севиб қолгандик. Истаган пайтда, хоҳлаган масала бўйича мурожаат қилиш мумкин эди. Ходимлар билан у киши ўртасида ҳеч қачон расмиятчилик бўлмаган. Биз ҳаммамиз худди туғишган ака-укалардек эдик. Жамоадаги муносабат ўта самимий, ўта дилкаш эди. Муҳарриримиз Зиёд ака Есенбоев «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинлангач, ўртамизда шундай фикр алмашув бўлганди.

—Бўлажак муҳаррирлик номзодига Мақсуд акангдан ташқари яна икки кишининг номзоди бор (Зиёд ака уларнинг номларини айтди). Сенинг фикринг қандай?

—Бизга қолса, ўзимизнинг Мақсуд ака турган жойда бошқалари ўтаверсин...

—Мен ҳам худди шундай фикрдаман.

Шундай қилиб десангиз, жамоанинг орзуси амалга ошиб, Мақсуд ака газетамизга муҳаррир этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай мени ўзига муовин қилиб олди. Ўша пайтларни мен ҳамон ҳаяжон билан эслайман. Муҳарриримиз кишиларни қадрларди, ҳурматини жойига қўярди.

—Адабиёт бўлимимизнинг мудири шоир Назармат участка қураётган эди. Навбат лўмбоз босишга келганда жамоадаги йигитлар ҳашарга бориш истагини билдиришди. Бундан хабар топган муҳарриримиз мен ҳам бораман деди. Биз ҳайрон бўлдик. Холатимизни кўргач:

—Ҳа, мени четлаб ўтмоқчимисизлар, ахир, мен ҳам шу жамоанинг аъзосиман-ку,—деди.

Шундай қилиб, дам олиш куни Назармат аканикида ҳашарда бўлдик. Қий-чув, аския, хазил-хузул авжига чиқди. Муҳарриримиз, қанча аваламайлик, ҳамма қатори тер тўкди. Барчамизнинг юз—кўзларимизга лой сачраган, эгниларимизда жомакор—бу ҳолни кўриб ҳам ҳайрон бўлардик, ҳам кувонардик. Мана шундай ҳолларда ходимларнинг бир—бирига оқибати, меҳри илдиз отарди, палак ёзарди.

Шундай ҳоллар кўп бўларди: у уйига телефон қилиб гаплашгач, мени чақириб:

—Бизникида яхши таом тайёрланяпти экан, юр, бирга баҳам кўриб келамиз,—дерди ва қўярда-қўймай олиб кетарди.

Газетамиз ҳафтасига беш марта чиқарди. Лекин олти кун ишлардик. Тунда ишлаш учун икkаламиз навбатма-навбат қолардик. Баъзан мени навбатим куни ҳам муҳаррир редакциядан кетмасди. Юқори идораларга тайёрланган маълумотномаларни саралар, иш режаларини тузатар, қўлёзмаларни таҳрир этиб ўтирарди. Барча саҳифаларга қўл қўйиб, ишни тугаллагач, хонасига кирардим. У машинани чақиргач, пастга бирга тушардик. Машина келгач, сен ўтиравер, меники яқин, кетавераман, дерди.

...Газета оталиққа олган бир колхоз бўларди. Техника, ўғит олишда ёрдам берилди, бир-икки бор илиқ сўзлар билан саҳифаларда тилга олинди. Ўша колхоз раиси, миннатдорчилик маъносида бўлса керак, бир неча бор таҳририятга келиб, бир пиёла чойга таклиф этди. Ҳар сафар ваъда бераверди. Охири бўлмагач, бу гапдан муҳаррирни хабардор қилдим.

—Мана, ўзинг ўйлиб кўр, сен ичмайсан, мен ҳам, мен бир коса овқатни ея олмайман, сен ҳам. Шундай бўлгач, нима қиламиз бировга бирор нарса билан боғлиқ бўлиб қолишни. Агарда кўнглинг бирор тансиқ таомни тилаётган бўлса, айт, мен уйда тайёрлатиб берай. Ошнамиз Маҳмуд Каримовни (миллий таомлар ҳақидаги қатор рисолалар муаллифи) чақирамиз, у роса боплайди. Ҳеч кимсага боғланиб қолмайлик, шунда эркин юрамиз, тилимиз ҳамиша узун, юзимиз ёруғ бўлади.

Мақсуд Қориевнинг «Қизил Ўзбекистон»—»Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига муҳаррирлик қилган йиллари ҳаммамизнинг ёдимизда. Газета ўз атрофига республиканинг энг кўзга кўринган зиёлиларини, билимдон хўжалик раҳбарларини, жонкуяр арбобларини тўплади. Барчани қизиктирадиган, ҳаяжонга соладиган мавзуларни тез-тез ўртага ташлаб турди. Ўша йиллари газета шу қадар оммалашиб кетдики, унинг нусхаси тўққиз юз мингга яқинлашиб қолганди. Мақсуд ака меҳнатига яраша мукофотлар олди, Олий Кенгаш депутатлигига бир неча бор сайланди. Лекин, инсон сифатида ўша ўшалигича қолаверди. Қачон, қай масалада мурожаат қилманг, ҳеч вақт ёрдамини дариғ тутмади. Ходимларга нисбатан меҳрибон, ғамхўр эди.

Ундаги жонфидолик газетанинг Сирдарё вилоятидаги мухбири Самар Нуров билан юз берган бахтсизликда, айниқса, тўла намоён бўлди. Ходимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида энг кўзга кўринган мутахассисларни бу ишга жалб этди. Ходимнинг тирик қолишини мутахассисларнинг ўзи ҳам ўша пайтда мўъжиза деб аташди. Бу воқеадан кўпчилик яхши хабардор бўлганлиги учун мен у ҳақда бафуржа тўхталмай, ҳамкасбимиз Самарнинг сўзларини келтирақолай:

—Қолган умрим учун Мақсуд Қориевдан қарздорман. Отам ҳам бунчалик жон олиб, жон бермаган...


Мақсуд ака Ўзбекистоннинг етакчи отахон газетасига йигирма йилдан зиёд муҳаррирлик қилди. Бунгача ҳеч ким бу қадар узоқ йиллар шу газетага раҳбарлик қилмаганди.

Хуллас, бизнинг Мақсуд ака қаерда, ким бўлиб ишламасин атрофдагилар ундаги бағри кенглик, меҳрибонлик, самимийликдан баҳраманд бўлиб келаётирлар. Етмишга кирсалар ҳам ҳамон барчани очиқ чехра билан кутиб олади, яхши сўзини, ёрдамини аямайди. Эл эътиборидан тушмай келаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса, ажаб эмас...

Мақсуд Қориевни юртимизда етук ташкилотчи—журналистгина эмас, балки, айни пайтда, истеъдодли ёзувчи сифатида ҳам танишади. Яқинда менга босмадан янги чиққан романини тақдим этди. Унинг ҳикоялар туркуми, «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади», «Ой тутилган тунда» каби қиссалари ва тарихий мавзудаги «Сўғд ўғлони» романи қатори бу янги асари—»Ибн Сино» ҳам хонадонимизда севиб ўқилди. Тақдим этилган ўша китобларнинг ҳар бирига ўта самимий сўзлар ила дастхатлар битилган. Оиламиз учун улар оддий китоблар эмас, балки, катта маънавий бойлик, бутун бир мулк деб қаралади.

Қани айтинг-чи, бу каби самимий инсонни севмай бўлурми?..

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Мақсуд Қориев ўзининг янги асарларини китобхонларга тақдим этмоқда.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Қарор ва ижро

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Паркент туманида барча қулайликларга эга бўлган 10 минг ўринли ўйингоҳ фойдаланишга топширилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 21 май куни «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шундан келиб чиқиб, вилоятда қарор ижросини таъминлаш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган шанба куни Паркент туманида фойдаланишга топширилган стадионни ана шу йўлда қўйилган қадамлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Зотан, ушбу ўйингоҳ жуда қисқа фурсат — 70 кунда қуриб битказилди.

Ўйингоҳнинг очилиш маросимида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган меҳмонлар, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар. Шу куни ўн минглаб паркентликлар ҳам ўзларининг бош ўйингоҳларига йиғилдилар. Тадбирни туман ҳокими Туроп Холтоев кириш сўзи билан очар экан, йиғилганларни яна бир қулайлик билан муборакбод этди.

Стадионнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркин Рўзиев қатнашди.

— Сўнгги йилларда республикамизда спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда, — деди у. — Айниқса, бу масалага Президентимиз алоҳида эътибор билан қараётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорнинг аҳамияти ҳам беқиёсдир. Туманда бу борада амалий ишларга киришилганлиги қувонарлидир. Хусусан, қатор гузарлар ташкил этилаётганлиги, барча қулайликларга эга бўлган бозорнинг қурилаётганлиги ва ободончилик ишларига яхши эътибор қаратилаётганлиги фикримизни тасдиқлаб турипти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда бунёд этилган стадион ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Бунга Паркентдаги кўплаб корхона ва ташкилотлар, оддий меҳнат кишилари ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Буни вилоят ҳокимлиги юқори баҳолади. Жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб боргани, одамларнинг бошини бир ерга қовуштириб, ободончиликка катта аҳамият берилаётгани учун туман ҳокимлиги енгил автомашина билан мукофотланди.

Шу куни стадионда таниқли санъаткорлар ижросида концерт дастури, спортчи ва дорбозларнинг чиқишлари ва туман биринчилиги учун спорт мусобақаси уюштирилди. Йиғилганлар яна бир қулайлик — озиқ-овқат, сабзавот ва кийим-кечаклар ярмаркасидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Маросимга ташриф буюрган шаҳар ва туман ҳокимлари шу куни сўнгги йилларда Паркент туманида амалга оширилган эътиборли тадбирлар — ишга туширилган турли объектлар, дўконлар, гузарларни бориб кўрдилар. Улар ўз туман ва шаҳарларида бундай қурилишларни амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.





Суратларда: стадион очилишига бағишланган байрамни эрта тонгданоқ карнай-сурнайчилар бошлаб бердилар; лентани қирқиш пайти ҳамиша ҳаяжонли бўлади.
Даврон Аҳмад олган суратлар.

ДАН 60 ёшда

Ўтган шанба куни вилоят ДАН бошқармаси ходимлари давлат автомобиль назорати тизими ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйини кенг нишонладилар.

Йиғилишда вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи С. Азаматов олтмиш йил ичида босиб ўтилган шонли йўл ҳақида қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг Тошкент вилояти ҳокими номидан ҳоким ўринбосари — хотин қизлар кўмитаси раиси Сайёра Хўжаева ДАН ходимларидан катта гуруҳи вилоят ҳокимининг буйруғига биноан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганини ўқиб эшиттирди ва совғаларни эгаларига топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи О. Жалилов, республика ИИВ ДАН бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З. Муҳиддинов ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ўзларининг илиқ сўзлари ва қимматбаҳо совғалари билан вилоят ДАН ходимлари кўнгилларини хушнуд этишди. Шу куни кўплаб ДАН фахрийлари ҳам муносиб тақдирланишди, хизмат вазифасини бажара туриб қаҳрамонона ҳалок бўлган ДАН ходимларининг номлари ёдга олиниб, уларнинг оила аъзоларига қимматли совғалар топширилди. Бир сўз билан айтганда ҳеч ким эътибордан четда қолмади.

Байрамнинг иккинчи, бадиий қисми «Дўрмон» жамоа хўжалигининг кўркам боғида давом этди. Тўкин дастурхон атрофида йиғилганларга ўзининг манзур санъати билан завқ-шавқ бағишлаган республикамизнинг машҳур хонандалари иштирокида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар тантана иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

Атланта олимпиадасидан хабарлар

БОКСЧИЛАРИМИЗДАН УМИД БОР

Ёзги XXVI Олимпиадада Ўзбекистон спортчилари орасида боксчиларимиз бирмунча муваффақиятли қатнашмоқдалар. Вилоятимиз вакили, зангиоталик Карим Тўлаганов яна ғалаба қозонди. 71 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашаётган спортчимиз навбатдаги учрашувни Эфиопия вакили Волдс билан ўтказиб, 13:9 ҳисобида ғалабага эришди ва чорак финалга чиқди.

75 килограммгача вазнда Дилшод Ёрбеков, 67 килограммгача вазнда Наримон Отаевлар ҳам чорак финалда иштирок этишади. 81 килограммгача вазнлилар баҳсида Темур Иброҳимов Хорватия вакили Древикка атиги бир очко фарқ билан, 9:10 ҳисобида учрашувни бой берди.

Уч боксчимиз биттадан ғалабага эришса, ярим финалга чиқишади ва кам деганда бронза медали соҳиби бўладилар. Атлантадан хабар қилишларича, спортчиларимиз кайфияти яхши.

60 килограммгача вазнда қатнашган дзюдочимиз Алишер Мухторов биринчи олишувни бразилиялик Гарсия, иккинчи беллашувни марокашлик Идризини билан ўтказиб, иккаласида ҳам ғалабага эришди. Бироқ кейин мўғулистонлик Нармандахдан енгилди ва тўртинчи учрашувни Англия спортчиси Донахью билан ўтказиб, очколар бўйича ён бериб, умумий тўққизинчи ўрин билан кифояланди.

Енгил атлетикачимиз Анвар Кўчмуродов 100 метрга югуришда 10.73 секунд натижа кўрсатди. Бу юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ қисқа масофага югурувчилар гуруҳида жаҳоннинг мана ман деган тезкорлари қатнашаётганлиги сабабли бу кўрсаткич вакилимизга финал гуруҳга кириш имконини бермади. Ядро улоқтиришда Сергей Кот 16 метр 51 сантиметр натижа кўрсатиб 32-ўринни олди.

Босқон улоқтирувчи Виталий Хожателев, уч ҳатлаб сакрашда Евгений Петин, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда Юрий Аристовлар финал гуруҳга чиқа олишмади. Теннисчимиз Олег Огородов АҚШ вакили Вашингтонга 0:2 ҳисобида ютқазди. 91 килограммгача оғир атлетикачилар баҳсида Александр Ўрунов икки курашда 365 килограмм натижа кўрсатиб, 13-ўринни олди.

«ДЎСТЛИК» ЯРИМ ФИНАЛДА

Вилоятимиз футболчилари Ўзбекистон Кубогининг чорак финал жавоб учрашувида «Навбаҳор»ни енгиб, навбатдаги босқичга чиқишди

«Дўстлик»нинг «Навбаҳор» жамоаси билан биллур соврин учун жавоб учрашуви олдидан Маҳмуд Раҳимовни хуш кайфиятда учратдим. У жамоа ўйинга ҳар томонлама тайёр эканлигини айтди. Дарҳақиқат, янглишмаган экан.

Ўйин олдидан хушовоз хонанда Нуриддин Ҳайдаров, рақоса Рушана Султонова, Мирза Ҳолмедов ўз чиқишлари билан мухлислар кайфиятини кўтаришди. Ўйин ҳам кескин бошланди. 4-дақиқада ўнг қанотдан узатилган тўпни қабул қилиб олган Ерпўлат Ержонов дарвозабонимиз билан якка-якка чиқиб, имкониятни бой берди. 8-дақиқада эса «Навбаҳор» дарвозаси олдида яратилган имкониятдан бир йўла уч ўйинчимиз фойдалана олмай ғафлатда қолишди. Герман Безденежних дарвоза бурчагига йўналтирилган тўпни қийинчилик билан қайтариб қолди. Дастлабки 15 минутда ҳар иккала жамоа ҳужумчилари икки-уч мартадан қулай вазиятдан фойдаланаолмадилар. Хаво ниҳоятда дим бўлишига қарамай ўйин юқори суратда давом этарди. Бу — Кубок учрашувларига хос одат. Соврин фақат ғалаба қозонган командагагина кулиб боқади. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Димитрий Батинков ҳакамга эътироз билдирганлиги учун огоҳлантириш олди, қайта норозилиги учун эса майдондан чиқариб юборилди.

Иккинчи бўлимда меҳмонлар Е. Ералиев ўрнига О. Шацкихни майдонга туширдилар. У Зафар Мусабоев билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб «Дўстлик» дарвозасига хавф сола бошлади. Бироқ мезбонларнинг ҳам шиддати баланд эди. 50-дақиқада меҳмонлар ҳимоячилари Фарид Хабибулинни эътиборсиз қолдирдилар. Ҳужумчимиз имкониятни бой бермади 1:0. Бу тўпдан руҳланган «Дўстлик» хужумга зўр берди. Жафар Иримсетов боши билан дарвоза бурчагига йўллаган тўпни дарвозабон Димитрий Башкевич аранг қайтариб қолди. Шу куни «Дўстлик» ҳам, «Навбаҳор» ҳам мухлисларга ҳужумкор ўйин ҳадя этдилар. Бу вилоятимиз вакиллари — «Дўстлик»нинг мавсумдаги энг чиройли ўйинларидан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

Чорак финалнинг қолган 3 ўйини 4 августда ўтади. «Дўстлик» ярим финалда «Нефтчи» «Нурафшон» баҳси ғолиби билан ўйнайди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Бундан ўн-ўн беш йил илгари мазкур хўжалик вилоятдаги энг илғор, машъал жамоалардан ҳисобланар, бу ерда эришилаётган ютуқлар, тажрибалар кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиларди. Лекин, айрим сабабларга кўра, хўжалик 1990 йилларга келиб, иқтисодий жиҳатдан анча заифлашиб қолди. Янги раис сайлаш керак эди. Деҳқонлар шу қишлоқда туғилиб ўсган, оддий деҳқон, ҳисобчи, сўнгги пайтларда эса ижарачилар жамоасига етакчилик қилган, бригадир бўлиб ишлаётган Илҳомжон Маҳкамовни раис қилиб сайладилар. Айримларга бу эриш туюлди. Ҳамиша довруғ таратиб келган катта хўжаликни бошқара олармикан? Нафсиламбирини айтганда, Илҳомжоннинг ўзи ҳам аввалига юраги дов бермади. Йўқ, эплай олмайман, деб туриб олди. Лекин, кўпчиликнинг райини қайтариш инсофдан эмаслигини ҳис этиб, рози бўлди. Шарт шуки, ўзларингиз ёрдам берасизлар, деди.

Одамлар янглишмаган эди. Мана, икки йилда жамоа хўжалиги ўзини қайтадан ўнглаб, асли ҳолига қайта бошлади. Қарзларидан қутилди. Ҳозир уюшманинг кассасида 4 миллион сўмга яқин пули бор. Деҳқонларнинг кайфияти яхши, меҳнатларига яраша мўмай ҳақ олияптилар. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам илоҳида эътиборга олинган. Бунга қандай қилиб эришилди? Мухбиримизнинг раис билан суҳбати шу хусусда бўлди.

Қишлоқ мулкдорлари

ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, УЙ ҚУРСА, ТЎЙ ҚИЛСА, МЕН ХУРСАНД БЎЛАМАН

дейди Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли мулкдорлар уюшмаси раиси Илҳомжон Маҳкамов

— Илҳомжон, мен кўпгина деҳқонлар билан суҳбатлашдим. Улар ҳақиқатан ҳам сизга осон бўлмаганлигини айтишяпти. Барака топсин, деҳқонга чинакамига қайишяпти. Шу мақсадда роса елиб-югурди, жон куйдирди, тиним билмади. Ҳамиша одамлар орасида бўляпти, дейишяпти. Ишни нимадан бошлагандингиз?

— Деҳқон меҳнатининг қадрини деҳқон бўлмасдан туриб, билиш қийин, албатта. Мен ижарачи, пудратчи бўлиб ишлаб юрганимда кўп ўйлардим. Бу усуллар ҳар ҳолда яхши, лекин, барибир деҳқон ўзини тўла равишда мулкдор деб ҳисоблай олмаяпти-да. Барибир қайсидир жиҳатдан хўжаликка боғлиқсан, қарамсан.

Шунинг учун маслаҳатлашиб, хўжаликни мулкдорлар уюшмасига айлантиришга аҳд қилдик. 1985 йилдан 1995 йилгача бўлган даврдаги хўжаликнинг мулки ва унинг баҳоси ҳисоблаб чиқилди. 62 миллион 765 минг сўм деб баҳоланди. Ана шу мулк хўжаликда ишлайдиган ва аввал ишлаб нафақага чиққан деҳқонлар, ёшу-қари ўртасида, уларнинг хўжаликка қўшган ҳиссасига қараб, 1200 кишига тақсимланди. Ва уларнинг қўлларига қимматбаҳо коғоз берилди. Энди у мулк эгаси, бу мулкни асраб-авайлаш, бойликка бойлик қўшиш — унинг ўз қўлида эди. Қиладиган меҳнати, қўшган ҳиссасига қараб, ҳар йили кўриладиган фойдадан ўз улушини олиб туради. Ишларимиз юришиб кетди. Одамлар ерга, жамики воситаларга ўзларининг хусусий мулкларидек муносабатда бўла бошладилар.

— Менга айтиб беришди, сизларнинг хўжалигингизда эртаги сабзи ва карамдан энг кўп фойда олинибди.

— Бу мулкдор бўлганимизнинг хосияти. Деҳқон мулкдор бўлгач, қандай бўлмасин, даромадни кўпайтириш йўлини излайди-да. Хабарингиз бор. Бу йил эрта баҳорда деҳқон бозорларида сабзи савдосида узилиш бўлди. Бир килосининг нархи 60 сўмга чиқиб кетди. Бу пайтда мулкдор деҳқоннинг Ўткир Усмонов, Мақсуд Усмоновлар даласида сабзи пишиб етилган эди. Улар сабзини қазиб олиб, бозорга олиб чиқиб, ҳар бир килосини 45-50 сўмдан, охирги килограммларини 25-30 сўмдан сотишди. Бу билан бозорни синдиришди. Шунингдек, Маҳкам Обидов ўзига тегишли бир гектар ернинг 25 сотихига эртаги карам экkан эди. Бу карамдан 180 минг сўм даромад қилди. Даласидаги қолган майдонлардаги пиёз, саримсоқ пиёз, картошка ва бошқа сабзавотлардан келадиган даромадларини қўшадиган бўлсак, у бу йил 700-800 минг сўм даромад қилай, деб турипти. Қисқаси, ҳар бир мулкдор деҳқоннинг даласида сара, сифатли ҳосил етиштирилди. Деҳқон бозорга бориб олди маҳсулотларини харид қилаётганингизда «бу қайси хўжаликдан», деб сўрасангиз мақтаниш эмас, бизнинг хўжаликнинг номини тилга оладилар.

— Мулкдор бўлгандан кейин ҳар бир деҳқон ўз маҳсулотига ўзи хўжайинлик қилади. Режани, давлат буюртмасини бажариш қийин бўлмайдими?

— Аксинча. Деҳқон ҳамма маҳсулотини бозорга олиб чиқиб сотолмайди. Бунинг учун унинг вақти ҳам етишмайди. Улар билан шартнома тузганмиз, келишганмиз. У етиштирадиган маҳсулотининг 75 фоизини келишилган нархда уюшмага сотади. Бу йил биз режа бўйича 3200 тонна сабзавот сотишимиз керак эди. Ҳозиргача 1650 тонна сотдик. Ўзи бизда ер кам. Шундай бўлишига қарамай, имконият қидириб, ғалла мустақиллиги учун курашдан чегда қолмайлик, деб 150 гектар майдонга октябрь ойининг бошларида дон сепдик. Ноябрнинг йигирмаларига бориб, бу майдонлардаги ғалла текис унди. Тупланди. Шунинг учун ҳам қишдан яхши чиқди. Февралда ҳар гектарига 300 килограммдан селитра бердик. Ҳосил кутилгандан зиёда бўлди. Олди майдонлардан 55-60 центнердан ҳосил олдик. 300 тонна топшириб, давлат буюртмасини оширибгина бажардик.

Деҳқончиликдагина эмас, бошқа соҳалардаги ишларимизга ҳам барака кирди. Агар ўтган йили 2 миллион сўм соф фойда олган бўлсак, бу йил 6-7 миллион сўм-7-8 минг сўмга етказиб маош олишяпти.

— Ҳамманинг ҳам далада ёлчитиб, деҳқончилик қилиш қўлидан келавермайди. Ҳамма деҳқон ҳам ҳақиқий мулкдор бўлаолмайди. Шундай эмасми?

— Қўшимча иш ўринлари яратиш, кичик корхоналар барпо этиш лозим, демоқчимисиз? Биласиз, бизда бу иш жуда эрта бошланган. Ҳозир эса биз ана шу мавжуд бўлган ва баъзи бир сабабларга кўра фаолияти сусайиброқ қолган корхоналарни жонлантириш, ҳозирги замон талабларини ҳисобга олиб, янгиларини барпо этиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Мавжуд совуққонакатгина уюшмада чиқадиган маҳсулотларгина эмас, деҳқонларнинг томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни ҳам ўзаро келишилган нархда сотиб берамиз. Айрим корхоналар, масалан, консерва цехи, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг хилини кўпайтириш, ихчам идишларда жойлаб чиқариш, сифатини яхшилаш ҳақида ўйлаяпмиз.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Тўғри, бу соҳада бизда анча-мунча ишлар қилиб қўйилган эди. Биз ана шу ишлар кўламини яна ҳам кенгайтириш тараддудини кўряпмиз. «Дўстлик» маҳалласида 140 ўринли боғча қуриляпти. Яқин кунда ишга туширилади. Шунда хўжаликда иккита боғча фаолият кўрсата бошлайди. Бу ерда қишлоқ гузари ташкил этиляпти. Гузарда халқ ҳунармандчилигининг вакиллари фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, бу ерда марказий поликлиниканинг, Халқ банкининг ҳам филиали фаолият кўрсата бошлайди. Ёзги кинотеатр, ҳаммом ишлай бошлади. Хуллас, мақсадимиз шуки, аҳоли арзимаган нарса учун пул ҳаражат қилиб, шаҳарга тушиб юрмасин, ўзининг кундалик юмуши учун зарур бўлган ишларни шу қишлоқнинг ўзида бажара олиш имкониятига эга бўлсин.

— Уюшма раиси сифатида, мулкдор деҳқонлар ишини яна да ривожлантиришда сизнинг хизматингиз қандай бўлади?

— Мен ўзимни раис эмас, оддий деҳқондек ҳис қиламан. Эрталаб, кечкурунлари бироз вақт идорада бўлиб, у-бу ҳужжатларга қўл қўяман, айримлар билан мулоқот қилиб, маслаҳатлашган бўламан. Қолган ҳамма вақтда далада, деҳқонлар орасида, чорвадорлар ҳузурида бўламан. Йўқ, мен уларга уни қилинглар, буни қилинглар, деб асло иш ўргатмайман. Маслаҳат оламан. Фикрларига қулоқ соламан. Яхши маслаҳатлар, тавсиялар беришса ён дафтаримга ёзиб қўяман ва албатта, уни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламан.

Мендан қандай ёрдам керак, қандай камчиликларингиз бор. Тортинмай айтаверинглар, қўлимдан келганча, ёрдам бераман дейман.

Беш қўл баробар эмас. Ногиронлар, ночорлар, ётиғлиқ одамлар ҳам бор. Уларни фақат байрамлардагина эмас, ҳамиша йўқлаб, ёрдам бериб туришни виждон иши деб биламан. Ўтган йили бир гуруҳ қариялар Самарқанд, Бухорога саёҳат қилиб қайтишган эди. Бу йил махсус автобусда Шоҳимардонга бориб келишади. Ҳамма харажат уюшма ҳисобидан бўлади. Дарвоқе, қирқ йил деҳқончилик қилиб, хўжаликда обрў-эътибор орттирган Маъруфжон ота Валихўжаев ҳаж сафарини орзу қилиб юрарканлар. Мажлис аҳлининг қарори ва розилиги билан у киши хўжалик ҳисобидан ҳажга сафар қилиб қайтдилар.

Хўжаликнинг тамал тошини қўйган, меҳнати сингган ва раҳматли бўлиб кетган инсонларнинг руҳи-покларини вақти-вақти билан шод этиб турамиз. Яқинда туманда иккинчи ўринда бораётган жамоамиз футбол командаси хўжаликнинг биринчи раиси, меҳнат қаҳрамони Ғуломмаҳмуд Абдуллаев хотира турнирини ўтказди.

— Режаларингиз, истагингиз?

— Режаларимнинг бир қисмини айтдим, шекилли. Истагим шуки, деҳқон бой бўлса, ўзимни бой бўлган ҳисоблайман. Тўй қилса, иморат курса, фарзанди ўқишга кирса, машина сотиб олса, орзу-ҳавасларини амалга ошса, теримга сиғмай қувонаман. Ана шу мақсад йўлида куч-ғайратимни аямай меҳнат қилсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Суҳбатдош
Носир РИХСИЕВ.

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ЭҲТИЁЖ туфайли сўнгги пайтларда янгидан-янги вақтли матбуот нашрлари дунё юзини кўрмоқда. Амалий-назарий, ҳуқуқий-ижтимоий, оммабоп — «ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» номли журнал ҳам шулар жумласидандир. Журналга Ўзбекистон Республикаси прокуратураси муассис ҳисобланади.

Янги журналнинг ўз олдига қўйган мақсадлари юксак: қонунларимиз амалда ишласин. Қонунга бўйсуниб яшаш — мустақил Ўзбекистон фуқароларининг тезроқ турмуш тарзига айлансин.

Шу мақсадда журнал прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳаётидан турли мавзуларда муаммоли, мулоҳазали мақолалар эълон қилиб боришни, илғор тажрибаларни оммалаштиришни, детектив жанрдаги асарлардан намуналар беришни режалаштирган.

Энг асосийси, муҳтарам муштарийлар, журнал Сизлар учун чоп этилади. Чунки, унинг саҳифаларидан сиз ўзингизни ўйлантираётган савол-жумбоқларга жавоб топасиз, деган умиддамиз.

Шу боис «Қонун ҳимоясида» журнали бугун «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг азиз меҳмони.

Таҳририятимиз меҳмони

ҚОНУННИ БИЛГАН ЎТКИР БЎЛАДИ

1996 йилни чинакам журналлар йили бўлди, десак арзийди. «Соғлом авлод учун», «Хўжалик ва ҳуқуқ», «Қонун номи билан» ва республика прокуратурасининг нашри «Қонун ҳимоясида» журнали дунё юзини кўриб, ўқувчилар даврасига кириб борди.

Янги нашрларнинг пайдо бўлиши, энг авало, республикамиз иқтисодиётидаги ўнгланишдан нишонадир. Ахир собиқ СССР парчаланиб, мустақиллигимиз тетапоя қилаётган даврларнинг заҳматини журналистларимиз ҳам ўз елкаларида синаб кўрдилар-ку. Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида айрим нашрлар ёпилиб, айримлари икки-уч ойлаб чиқмай қолгани ҳақида худди кечаги ўтмиш каби гапириш анча мароқли. Бироқ, очиқ тан олиш керакки, бозор иқтисодиёти туфайли ҳозир журналистларимиз ҳам ҳисобдон бўлиб қолдилар. Талаб ва таклиф энди бу соҳанинг ҳам чамбарагини айлантирмоқда. Ахборот, реклама, иқтисодиёт журналистикаси ривожланмоқда. Юридик журналистика уларнинг ёнида бўйига бўй қўшиб бормоқда. Бу йил пайдо бўлган нашрларнинг асосий қисми қонунчиликка ихтисослашгани, ҳатто, вилоятларда юридик газеталар чиқа бошлагани ҳам журналистикамиздаги янги йўналишнинг келажаги порлоқлигидан нишонадир.

Касбим тақозоси ўлароқ кўплаб ҳорижлик юристлар, журналистлар билан шу ҳақда суҳбатлашдик. Ўзини билган, ҳурмат қилган ва демократия гуллаб-яшнаган давлатларнинг ҳаммасида юридик нашрларнинг салмоғи анчагина баланд экан. Чунки, ҳуқуқий билим бевосита маданий савия, чуқур тафаккур ва юксак тараққиёт билан боғланиб кетади.

Ўзбекистоннинг келажагини буюк кўряпмиз. Қонун устивор бўлган ҳуқуқий жамият қураётганимизни бутун жаҳонга ошкор этдик. Бу баланд ниятлардан кундалик ҳаётимизга назар солсак, ҳуқуқий тарбия айни кунларимизнинг долзарб масаласи бўлиб қолганини кўрамиз.

Фикримни бир мисол билан далиллашга ҳаракат қиламан: Сирдарё вилоятининг туманларидан бирида яшовчи Сотиболди ака касалланиб, маълум муддат ишга ярамай қолади. Даволаниб чиққач, кучига яраша иш излаб кўп сарсон бўлди. Иш тополмай, руҳан тушиб, ҳатто, жонига қасд қилишни ўйлай бошлайди. Туман, вилоят прокуратураси мутахассислари унинг ҳаётини ўрганиб кўришса, Сотиболди акага ишсизлиги учун тўловлар, бошқа ижтимоий ёрдамлар, ишламайдиган хотинига, болаларига давлат томонидан бериладиган нафақа пуллари ва маҳалла қўмиталарининг ажратмаларини қўшиб ҳисоблаганда унинг оиласи республикамиздаги ўртача яшовчи оила даромадидан ҳам кўпроқ ёрдам пули олиши мумкинлиги маълум бўлади. Сотиболди ака қонунни билмагани учун ўз ҳақини ажратиб ололмайди. Қонунни билган масъул жаноблар унга қайишмайдилар. Кейин аниқланишича, айрим туманларда 50-60 фоиз аҳоли давлатнинг ижтимоий соҳага йўналтирилган ажратмаларидан фойдаланмас экан.

Бу оддий ҳуқуқий саводхонлик билан боғлиқ масала. Лекин, шу «оддий масала» давлатимиз юритаётган кучли ижтимоий сиёсат ва мустақилликнинг обрўсига даҳл қилмаслиги керак. Бундан ташқари қонунларни такомиллаштириш, уларнинг тўла ишлашини ва амал қилишини таъминлаш каби бевосита прокуратура фаолиятига боғлиқ масалалар асосида журналимизнинг мундарижасини белгилаб олмоқдамиз.

Журналимиз кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Аҳолининг қонунчилик соҳасидаги талаб ва истаклари ҳам маълум маънода унда акс этади. Журнал таҳририяти изланиш, шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Ўқувчилар орасига кенгроқ кириб бориш, ўз овозимизни тезроқ топиб олишга ёрдам бўлармикин, деган умидда обрўли нашрлардан бири — «Тошкент ҳақиқати» газетаси меҳмони бўлиб келдик.

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ, «Қонун ҳимоясида» журналининг бош муҳаррири.

МУҚАДДАС БУРЧ

Барчага баробар

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 52-моддасида кўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

Давлатимизнинг мудофаа қудрати қанча мустаҳкамланиб борса, ҳаётимиз шунча хотиржам, фаровон давом этаверади. Мустақилликка қадар бошқа давлатлар чегараларини қўриқлаб, «катта оғаларимиз» ҳудудида ҳарбий хизматни ўтаган, кимларнингдир ўрнига қўлига қурол олишга мажбур бўлган йигитларимиз бугун мустақил юртнинг армиясига жамландилар.

Афсуски, бу муқаддас бурчни ҳамма ҳам сидқидилдан бажараётгани йўқ. Ўзбекистоннинг баъзи бир ёш фуқаролари турли хил қалбаки ҳужжатларни дастак қилиб муддатли хизматдан бўйин товлаётирлар.

Шунга мисол тариқасида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман прокуратурасида кўрилган бир жиноий иш билан танишиб чиқсак...

1995 йил 8 ноябрь куни прокуратура томонидан туман мудофаа ишлари бўлимида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг ижроси назорат йўли билан текшириб чиқилди. Натижада 1975 йилда туғилган Суннатилла Турдиевга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Иш жараёнида маълум бўлишича, С. Турдиев 1991 йил бошида С. Раҳимов туман тиббий кўригидан ўтиб, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат ўташга яроқли топилиб, чақириқ участкасида қайд қилинган.

Мактабни тугатган С. Турдиев тижорат техникумининг кундузги бўлимига ўқишга киради ва 1994 йил ўқишни тугатади. Бу орада Самара шаҳрига тижорат ишлари билан қатнаб туради. Айни вақтда унинг уйига бир неча бор чақирув қоғози келади. Турдиев Самарадан келиб чақирув хатини олган ҳолда ҳарбий бўлинмага бормайди. Бироқ бу ишни «бир ёқлиқ» қилмаса аҳволи ёмон бўлишини билиб, 1994 йилнинг февраль ойи ўрталарида Собир Раҳимов туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи зобит Н. Шушлебин кўнглига «йўл топиб» у билан ўзаро тил бириктиради. Натижада, 1994 йил 12 апрель куни мудофаа бўлимининг мутасаддиси Н. Шушлебиннинг хонасидан С. Турдиев қалбаки ҳарбий билет билан чиқади. Сиздан угина, биздан бугина тарзида иш тутиб, С. Турдиев Н. Шушлебинга «хизмати эвазига» 500 минг сўм-купон беради.

1995 йил 12 июнда туман суди С. Турдиевнинг ишини кўриб чиқиб, муддатли ҳарбий хизматдан бўйин товлагани учун уни маъмурий жавобгарликка тортиб, 300 сўм жарима солади.

Кўриниб турибдики, суд айбланувчининг ёшлигини ҳисобга олиб унга нисбатан жуда енгил жазо тайинлади. Аммо... 1995 йил ноябрь ойида туман мудофаа ишлари бўлимидан С. Турдиевга яна чақирув хати келади. Бироқ у бу сафар ҳам хизматдан бўйин товлашда давом этади. Бу билан С. Турдиев қилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 225-моддаси 1- ва 2-қисмлари «Б» банди ҳамда 211-модда 1-қисми бўйича жиноят содир этади.

1995 йил 21 декабрда Собир Раҳимов туман судида судья Р. Кўчқоров раислигида ўтказилган суд мажлисида ушбу жиноий иш кўрилиб, С. Турдиев 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилиб, шу вақт давомида 20 фоиз иш ҳақи ундириб олиниши ҳақида ҳукм чиқарилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, Турдиев ва у кабилар нега шу ҳолга тушиб қолмоқдалар? Ватан олдидаги муқаддас бурч, қолаверса, эркаклик ғурури қани? Бунинг илдизлари мактаб, оила, маҳалла, жамоада етарли эътибор ҳамда ташвиқот ишларининг йўқлигига бориб тақалмаяптими?

Мактаб ва маҳаллаларда ҳарбийлар, ҳуқуқшунослар тез-тез учрашувлар, мулоқотлар олиб бориб, ёшлар орасида бурч, ғурур туйғуларини уйғотмоқликлари лозим. Токи улар ҳарбийларнинг ҳаётдаги роли, мавқеи, ҳарбий хизматнинг туб моҳиятини тушуниб етсинлар.

Она-Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йигитларимизнинг қўлида экан, юқоридаги каби номақбул ҳолатларга қарши қатъийлик кўрсатайлик.

Мирзаназар МИРЗАЕВ, Адлия катта маслаҳатчиси.



Журналнинг ёш жамоаси шаклланиш йўлида. Бош муҳаррир Абдуҳолиқ Абдураззоқов (чапдан иккинчи) таҳририят ходимлари билан журналнинг янги сонини муҳокама қилаётган жараённи мухбир Даврон Аҳмад суратга олган. Масъул котиб Нодир Маҳмудов, бўлим муҳаррири Норбек Усанов ва бош муҳаррир ўринбосари Фарҳод Алимовлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳеч биримизга сир эмас, бугунги ёшларимиз ўртасида С. Турдиев сингарилар, афсуски, ахён-аҳёнда бўлса ҳам учрамоқда.

Бунга аввало муаллиф эътироф этганидек, мактаб ва маҳаллаларда ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нечоғлик муқаддаслигига оид ташвиқот-тарғибот ишларининг талаб даражасида эмаслиги бўлса, иккинчидан, баъзи масъул шахсларнинг ўзлари ҳам сабаб бўлаётирлар.

Мақолада таъкидланганидек, Собир Раҳимов туман мудофаа ишлари бўлими мудири вазифасини бажарувчи майор Н. Шушлебин нафсига эрк бериб, ёш йигитчанинг хато йўлга киришига «ҳомийлик» қилади. Шу ўринда ҳақли бир савол пайдо бўлади. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаган С. Турдиев қилмишига яраша жазосини олди. Лекин, сохта ҳужжат тўғрилаб бериб С. Турдиевнинг жиноятига «шериклик» қилган майор Н. Шушлебин жаноблари-нинг қилмиши-чи?!

МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ ЎГИТЛАРИ

ДАВЛАТНИ бошқармоқ шартлари ўнтадир. Биринчи шарт шуки, бирон воқеа юз берганда (ва ушбу воқеа юзасидан ҳукм чиқариш лозим бўлганда) подшоҳ ёки ҳоким ўзини фуқаролардан бири деб тасаввур қилиб, бошқа бировни ўзига ҳоким деб билсин. Шу ҳолатда ўша бошқа бировдан ўзига раво кўрмаган ва (қилиниши) лозим деб билмаган ҳар қандай ҳукмни ўзидан бошқаларга ҳам раво кўрмасин. Иккинчи шарти шуки, подшоҳ мусулмонларнинг ҳожатларини чиқаришни ибодатларнинг сараси деб ҳисоблаши зарур. Зеро, Расул алайҳиссалом айтганларки: «Мўминнинг дилини шод этмоқ одамлар ва париларнинг барча тоат-ибодатларига баробардир». Демак, мусулмонларнинг ҳожатини чиқаришга доимо ҳозир бўлиб юрадиган подшоҳгина мусулмонлар подшоҳидир. Агар у бironта мусулмоннинг ўз эшиги олдида муҳтож ва мунтазир бўлиб турганини билса, токим унинг ҳожатини адо қилмагунча ҳеч қандай ибодатга машғул бўлмаслиги керак. Шунингдек, подшоҳ ўзининг роҳатини ўйлаб, мусулмонларнинг ҳожатларини чиқаришни кечиктирмаслиги керак.

Учинчи шарти шуки, подшоҳ емоқ-ичмоқ ва кийинмоқ ҳулафойи рошидин (маъноси: — «тўғри йўлдан борган ҳалифалар» яъни Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин кетма-кет ҳалифалик қилган унинг тўртта издоши Абубакр, Умар, Усмон ва Али назарда тутилади) одатларига амал қилиб, тансиқ таомлар ва башанг кийимларга ружу қўймаслиги керак. Амир алмўъминин Али разиаллоҳу анҳу (221 а) ҳалифалик тахтига ўтирган куни бозорга бориб уч дирҳамга бир кўйлак сотиб олибди. Кўйлакнинг енги ва этагидан қўлининг кафти ва оёғининг тўпиғидан ошган қисмини қирқиб ташлабди. Одамлар: «Нега бундай қилдинг?» — деб сўрашганида, «бу таҳоратга қулай, камтарликка мос ва эргашишга (ўрнак олишга) муносибдир» — деб жавоб берибди.

Тўртинчи шарти шуки, (подшоҳ) суҳбат асносида мулойим сўзлаб, асоссиз равишда қўпол-лик қилмаслиги лозим (бирон масала юзасидан). Далил исботлар кўп бўлса-да, уларни эшитишдан эринмаслиги, заиф ва мискинлар суҳбатидан ор қилмаслиги керак. Нақл қилишларича, ҳалифа Маъмун замонасида бир киши гуноҳ иш содир этиб, сўнг қочиб кетибди. Унинг акасини ушлаб, Маъмун олдига олиб келишибди. Ҳалифа унга агар укасини топиб келтирмаса, қатл этилишини айтибди. Шунда у одам дебди: «Эй, амир-алмўминин! Агар сенинг ноибинг бирор одамни қатл этмоқчи бўлса-ю, сен унга: «У одамни қўйиб юбор» — деб фармон юборсанг, ноиб уни қўйиб юборадими ёки йўқми?» Маъмун дебди: «Албатта, қўйиб юборади». Ҳалиги одам дебди: «У ҳолда мен сени жаҳон аҳлига ҳоким қилиб қўйган ҳазрати Худовандодан фармон келтираман. Чунки «бировнинг юкини бировнинг кўтармайдиган мазмунида оят мавжуд. Шунда Маъмун «Уни қўйиб юборинглар, чунки у (ўз сўзига) исбот келтирди» — дебди.

Бешинчи шарти шуки, подшоҳ халқнинг розилигини ўйлаб, ҳукм чиқаришда сусткашлик кўргазмаслиги ва иккиюзламачилик қилмаслиги лозим. Шунингдек ҳар бир одамни ҳушнуд этиш учун ҳақиқат ва шариатга қарши бормаслиги керак. Чунки, муҳолиф тарафни ҳақиқат билан ҳушнуд этиб бўлмайди ва бутун халқнинг розилигига эришмоқ одил подшоҳ учун ҳам имконсиздир...

Олтинчи шарти шуки, подшоҳ давлат ва мамлакатга таҳдид қиладиган хатардан ғофил қолмаслиги керак. У шуни билсинки, амирлик мансаби ва ҳукумат бир асбоб бўлиб, бу асбоб орқали абадий саодат ва эзгу ном қўлга киритилади. Даврон подшоҳлари ва ҳокимларнинг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, ҳавойи нафслари учун ўз динини взйрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар. Бундан Худо сақласин...

Еттинчи шарти шуки, подшоҳ дин уламоларини зиёрат этиш ва улар билан суҳбатлашиш учун ўзида эҳтиёж сезиши керак. Гарчанд бу замонда шу тоифа одамларни топиш мушкул бўлса-да, улар азиздирлар. Агар Оллоҳ инояти билан улар бу диёрда пайдо бўлиб қолсалар, подшоҳ уларнинг зиёратига шошилмоғи ва бу тоифанинг насиҳатларини ўз ҳаётининг саодати деб билмоғи лозим. У ориф одамлар суратига кириб олувчи жоҳиллар суҳбатидан сақланмоғи шартдир. Чунки, бундай одамлар динни вайрон этувчилар қавмидандирлар...

Саккизинчи шарти шуки, подшоҳ жабр-зулм ва тақаббурлик билан халқни ўзидан қўрқитмаслиги, балки, заифларга ва ўз қўл остидагиларга адлу-эҳсон ва шафқат назари билан қараб, раиятнинг муҳаббатини қозонмоғи лозим. Расул саллалоҳи алайҳи васаллам шундай деганлар «Сизнинг энг яхши подшоҳларингиз сизни севадиган ва сиз ҳам уларни севадиганларингиздир. Энг ёмон ҳокимларингиз эса сизни ўзига душман деб биладиган ва сиз ҳам уларни душман деб ҳисоблайдиганларингиздир».

Тўққизинчи шарти шуки, подшоҳ зўравон амалдорларнинг зулмига бепарво қарамаслиги, бўрисифат золим кимсаларни раият устидан ҳоким қилиб қўймаслиги лозим. Қайси бир (амалдорларнинг) зулм ва жиноятини пайқаган заҳоти уни жазолаб, уқубатларга дучор этсинки, бу бошқаларга ибрат бўлсин. Подшоҳ ҳукумат ишларида бўшангликка йўл қўймаслиги, давлат арбобларини сиёсат ва насиҳат йўли билан тарбиялаши зарур.

Ўнинчи шарти фаросатдир. Подшоҳ ва ҳоким рўй бераётган воқеа-ҳодисалар юзага келишининг сабаби ва моҳиятига чуқур назар ташламоқлари, басират кўзи билан уларнинг оқибатини кўра олмоқлари вожибдир. Агар бу масалалар аниқ ва равшан бўлса, уларни шариатга кўра ҳал қилмоғи, чигалликлар мавжуд бўлса, уларни фаросат нури билан ёритиб, идрок этмоғи лозим. Бу соҳада ҳикоячилар сўзига эътиқод қилмагани маъқул. Чунки якуни ва интиҳоси бор масалаларни охири йўқ ҳикоялар билан тушунтириб бўлмайди...

Форс тилидан ҒУЛОМ КАРИМ таржимаси.

Мавлоно Муҳаммад Қози XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида яшаб ижод этган Нақшбандия тарикатининг атоқли уламоларидан бири. У ушбу ўгитларни севимли шогирди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдарга бағишлаб ёзган эди.

Мана, азиз газетхон! Меҳмонимиз «Қонун ҳимоясида» журналининг дастлабки «атак-чечак» қадамлари, лекин жўшқин ижодий ҳаёт фаолияти билан мухтасар танишдингиз. Унинг дадил қадами, залворли муаммоларни ёритишдек хайрли ишлари сизларга ҳам манзур бўлган бўлса, ажаб эмас.

Гар, шундай экан, ўзингизни қизиқтираётган саволлар, ўйлантираётган масалалар, қутаётган мавзуларингиз ҳусусида журнал таҳририятига фикр-мулоҳазаларингиз билан мурожаат қилишингиз ҳамда обуна бўлишингиз мумкин. Журнал таҳририяти манзилгоҳини эслатиб ўтамиз: 700047, Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 66-уй. Телефонлар: 33-20-17, 33-82-34.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси демократик давлатимизни барпо этиш жараёнида одил қонунлар ҳимоясида турган севимли журналимизга бундан буёнги ишларида ижодий муваффақиятлар тилайди.

ФИРМА

Тошкент шаҳридаги омбордан полиэтилен плёнка, «Нева-5» тўқув машинаси, 320х508 автомашиналари СОТАДИ

ПВД грануласини СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар: (3712) 77-03-40, 77-92-45.

Юнусобод туманидаги «Мир-Аслан» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 35-38-48 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги О. Шокиров номли 39-мактаб томонидан 1996 йилда Дониёр Юсупов номига берилган UZI № 111923 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти жамоаси газета мухбири Шаҳло Бекназаровага онаси **Ҳанифа ая ОБИДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бир тергов тафсилоти

ГУМРОҲЛИК

— БАРИНИ жаҳл устида қилдим, ўзимни тутолмадим, билмай қолдим, имкони бўлса, жазоимни енгиллатсангизлар, — деди судда Жумабой гўёки айбига иқрор бўлиб. «Бамаъни» йигитнинг сўзини қаранг, айб ўзида эмас — жаҳлида эмиш. Ўзини-ўзи идора эта олмаслик айбни енгиллатувчи ҳолат эмас. Аксинча, жиноятга элтувчи иллатдир.

«Жаҳли»га бесабаб эрк берган Жумабой мудҳиш жиноятга қўл урди. 1995 йил 23 август — кун botар маҳали эди. Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигининг 5-бригадасида истиқомат қилаётган Шарофат Тоғаева ўз уйи атрофини супуриб, сув сепарди. Ҳаёллари оғушида «Обод» жамоа хўжалигида яшаб, шу ерда ҳисобчи бўлиб ишловчи куёви Ж. Матмуродов (1961 йилда туғилган, 2 фарзандниг отаси) машинасини шитоб билан ҳайдаганча, қаршисига келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Қайнона куёвни хушламайгина қабул қилди. Нега ҳам хушласин, қизи Гуландом эридан оғир калтак еб, юз-кўзи, тан-бадани моталоқ бўлганча ота-онаси уйига келганига ҳам 20 кундан ошди. Бу борада Шарофат опалар хонадонида бўлган овозали тўй-дилбанди Дилмуроднинг уйланиш тантаналари ҳам орага тушган совуқчиликни тарқата олмади.

— Ҳа демай 1 сентябрь, юр қизим, уйингга бориб, болаларнинг кийими-ю ҳужжатларини обкелamиз, — деб қолди тўйдан 2 ҳафта ўтгач Шарофат опа. Бу ўша мудҳиш 23 август эди. Гуландом «йўқ» деёлмади. Онаси ва укаси Дилмурод ҳамроҳлигида куёвининг уйидан болаларнинг бир сидра кийимию ҳужжатлари ҳамда «Электрон» маркали телевизорни олиб қайтди. Қайнонаси ва қайнисининг бу кутилмаган «ташриф»дан фиғони чиққан Жумабой «жаҳл» отига минди.

«Учовиниям отиб ўлдираман» — сўз берди у ўзига-ўзи. Сўнг 12 калибрли қўшоғиз милтиғига 2 та сочма ўқни жойлаб, яна биттасини ёнига солганича, қайнонасининг уйи томон шошди.

— Шарофат, калима қайтаравер, куninг битди, — деди у қайнона билан узоқ пачакилашмай. Машинасида қолдирган милтиқни қўлга олиш учун 2 дақиқагина вақт кетди. Ўқ овози янгради. Шарофат опа кўкрагини чангаллаганча ҳозиргина ўзи сув сепиб, супурган йўлкага беҳол йиқилди. Ўқ овози одамларни оёққа турғазди. Ўлим билан олишаётган онаизори ҳузурига биринчи бўлиб ўғли Дилмурод етиб келди. Бироқ фурсат ўтганди. Йигитча «нима қилиб қўйдингиз» дегандай, поччасига юзланди.

— Қоч, Дилуш, ҳозир сени ҳам отади, — деган овоз эшитилди орқадан. Бу Дилмурод билан не-не орзу-ҳаваслар оғушида бир ёстиққа бош қўйган, 13 кунгина бирга ҳаёт кечирган ёшгина келинчак Жамила эди. Ўқ 17 баҳорни қаршилаган йигитчанинг юрагини ҳам адашмай топди. Ҳайрият, машъум ажал Гуландомни четлаб ўтди. Милтиқ овозини эшитиб келган кўни-қўшнилар зўравон куёвни куролсизлантиришга муваффақ бўлдилар. Лекин, милтиқдан отилган 2 та сочма ўқ аллақачон қиларини қилганди. Навқирон Дилмурод воқеа содир бўлган жойда дунёдан армон билан кўз юмди. Шарофат опа (эндигина 50 дан ошганди) жони эса касалхонада узилди.

Бир йўла икки кишини ҳаётдан маҳрум қилиш олий гуноҳ, гуноҳигина эмас, ўта оғир жиноят. Бунинг устига жиноят атрофдагиларнинг ҳаётига ҳам хавф соладиган ҳолатда ёш бола, келинчак ва бошқаларнинг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан содир этилди. Суд ва тергов буларнинг барини инобатга олди ва холисона баҳо берди. Аъддий қотил Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуининг 97-моддаси 2-қисми «А», «Д» ва «Ж» бандлари билан айбланди.

Минг таассуфки, айримлар буни кўра-била туриб, Ж. Матмуродовни кўй оғзидан чўп олмаган мўмин-қобил куёв сифатида таърифладилар. Жумабой истиқомат қилган «Бўстон» қишлоғи фуқаролар йиғини раҳбарлари айни шундай йўл тутишди. Бундай қаралса, Матмуродовлар оиласидаги нотинч вазият (у 1,5-2 йилдан буён давом этиб келарди) биринчи галда ана шу «ёшулли»ларни ташвишга солмоғи, рўй бериши муқаррар жиноятнинг олдини олишга чорламоғи зарур эди. Йўқ. Ундай бўлмади. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам, шу ердаги фаоллар, зиёлилар, дину-иймон соҳиблари ҳам оиладаги можаронинг томошабинлигидан нарига ўта олмадилар.

Давомли суд мажлислари чоғида бу хилдаги нохолисона ҳолатларга ҳам баҳо берилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг Матмуродовга нисбатан оғир жазо тайинламаслик ҳақидаги носамимий таклифи рад этилди. Бинобарин, суд содир этилган жиноятнинг ўта хавфлилиги ва бунинг оқибатида оғир ижтимоий асоратлар келиб чиққанлигини назарда тутиб, судланувчи Ж. Матмуродовни қайта тарбиялаш имкони қолмаган, деб ҳисоблади ва уни олий жазо — отиб ўлдиришга маҳкум этди.

О. КАРИМОВ, Хоразм вилояти прокурорининг ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8553 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.15.

1 2 3 4 5 6